

РЕСПУБЛИКА МАҢНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ
МИЛЛИЙ ГОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
МАРКАЗИ

ОБОДЛИК КҮНГИЛДАН БОШЛАНАДИ



**РЕСПУБЛИКА МАЊИВИЯТ ВА МАЃРИФАТ КЕНГАШИ
МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
МАРКАЗИ**

**М.Қуронов, Ғ.Мирзаев, Ш.Тўраев, О.Бозоров,
О.Мусурмонқулов, У.Саттаров, Ш.Абдуллаева**

**ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН
БОШЛАНАДИ**

**«Сано-стандарт» нашриёти
Тошкент – 2013**

УЎК: 37.018.1

КБК: 87.7

O-15

Муаллифлар:

**М.Қуронов, Ғ.Мирзаев, Ш.Тўраев, О.Бозоров,
О.Мусурмонкулов, У.Саттаров, Ш.Абдуллаева**

Масъул муҳаррир:

Ш.ТЎРАЕВ

**Ободлик кўнгилдан бошланади / Масъул муҳаррир
Ш.Тўраев – Тошкент, «Сано-стандарт» нашриёти, 2013, –
48 бет.**

УЎК: 37.018.1

КБК: 87.7

ISBN 978-9943-4106-7-1

© «Сано-стандарт» нашриёти, 2013.

**NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI**

Ahborot-resurs markazi

2118271

ОБОДЛИК КҮНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

Обод ҳаёт деган тушунча азал-азалдан халқимизнинг онгу тафаккурида авваламбор фаровонлик, тўкинчилик, мўл-кўлчилик, қут-барака, бозорларда арzonчилик маъносини ўзида мужассам этиб келади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда халқ фаровонлиги тушунчаси Ватан равнақи ва юрт тинчлиги деган, биз учун энг азиз ва муқаддас бўлган қадриятлар билан биргаликда миллий ғоямизнинг асосий мазмунмоҳиятини ташкил этмоқда.

Ислом Каримов.

Эзгу дуолар ижобати

2012 йилнинг 7 декабри. Тошкент қўксини олмосдек безаб турган Халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлиланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Мажлис кўтаринки кайфият билан бошланди. Бу кайфият тадбирнинг охиригача давом этди. Мажлисда мұхтарам Президентимизнинг халқимизга, халқимизнинг ўз Йўлбошчисига муҳаббати яққол намоён бўлди. Бу зални тўлдириб ўтирган инсонларнинг қайта-қайта, тик туриб қилған олқишиларида яққол кўринди.

Соат 16:55. Президентимиз “Мен кириб келаётган 2013 йилни “Обод турмуш йили”, деб аташни таклиф киласман”, дедилар. Шу лаҳзадан бошлаб “обод”, “турмуш” сўзлари ўзгача, улуғ унвон касб этди. Ҳаммамиз бу сўзларни беихтиёр қайта-қайта, дилимизда, тилимизда такрор айтдик. Мағзини чақа бошладик. Бу сўзлар ҳар бир ватандошимизнинг кўнгилларидан жой олди.

Нега деганда йил номи халқимиз қалбининг тубидаги орзу-ларини рўёбга чиқарди. Чунки отахон-онахонларимиз “омин”, деб кўл кўтаришганида “Манзил обод, пайғамбари худога ҳасанот”, деб дуо қилганларини эшитганмиз. Ҳа. “Обод турмуш йили” номида халқимизнинг қалbidаги эзгу дуолар ижобати бор.

Луғат

Луғатларда “обод” сўзи ободон, маъмур, хуш, хуб, маъмур, сўлим, тартибга солинган, ораста, деган маъноларини беради. У ҳароба, вайронга, деган сўзларнинг зидди.

Мустамлака юрт обод бўлмайди. Чунки озод эмас. Буни ўтган асрларда яшаб ўтган бир шоир шундай изҳор қилган экан: “Одам ғам емаса, манзили обод бўлмас, дейдилар. Ғам едиму, лескин дилимни обод кўрмадим”.

“Обод” дегани ер, майдонни чиройли қилиб, тартибга солиши.

“Обод” сўзи кўнгил ҳолатини ифодалайди. “Обод қилиш” дегани бошқаларни хурсанд, шод қилиш. Одамларга моддий ва маънавий ёрдам бериш, рафбатлантириш. “Обод” - бирор киши бошқаларни қойил қилганида айтиладиган “қойил”, “тасанно”, “офарин”, деган маъноларни ҳам берар экан.

“Обод” сўзи инсоннинг яшаши, кун кечириш тарзи, кундалик ҳаёти.

“Обод” сўзи “турмушга” нисбат берилганида у “ёркин турмуш”, “фаровон турмуш кечириш”; “турмуш даражасини ошириш”ни англатади. “Яхши ишласак, ўз турмушимиз фаровон, юрт обод бўлади”, деб ёзган эди Ойбек.

“Турмуш” сўзи ҳаётнинг бирор ерда, маълум вақт давомида, маълум шароитда ўтган қисми ва унинг хусусиятларини билдиради. “Турмуш” бирор халқ, ижтимоий гуруҳ ва шу кабига хос ҳаёт тарзи, урф одатлар, расм таомиллар мажмуи. “Турмуш”нинг фаслафий маъноси: жамиятнинг оддий ҳаёт шарт шароитлари мажмуи, объектив реалик.

“Турмуш”нинг никоҳ асосида юзага келадиган ҳаёт, эр хотинлик деган маънолари ҳам бор: турмуш қурмоқ; турмушга чиқмоқ; улар бирга 50 йил турмуш қилдилар, турмуш ўртоғим. Бу ибора ўзбек мақолларида ҳам учрайди: “Ўйламай қилинган турмуш тўйдан кейин бузилар” қабилида. Ва нихоят, “турмуш” кишининг бутун борлиғи, бўлган турганини билдиради: “Унинг турмуши шу”.

Президентимиз маърузасида “обод” сўзини универсал, мукаммал маънода кўрамиз. “Шуни таъкидлаш керакки, обод деган сўзниң маъносини биз жуда кенг ва чуқур тушунамиз. Обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр оқибат, аҳиллик, файз барака ҳукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшаши тасаввур қиласи”. Демак, обод сўзи одам, жамиятнинг ишига ижобий баҳо сифатида айтилади. Ободлик табиатнинг

эмас, одам(лар)нинг иши. Бу сўзнинг маънолари кўнъ ёкии. Маъноларининг барчаси худди оқ капитарлардек, Президентимни маърузасидаги ушбу тавсифга бориб қўнаётир.

Шукрона

Боболардан келаётган эзгу урф: меҳнат билан тошган таомини еб бўлгач, кўл кўтариб, шу ризқни берган, шу кунларга сткаган худога шукрона ўқилади. Шукронай нэймат, манзил обод, пайғамбари худога саловат, эккан-теккан бобо дечқонга раҳматлар айтилади. Бола эканмиз-да. Бу дуоларнинг узундан узоклигидан зерикардик. “Нимага бунча чўзишади-а, деб қўярдик четга қараб. Энди билсак, бу дуолар бизларга ҳар куни уч марта ўтилган шукроналик, миллий тарбия дарслари экан. Шукроналик ўзбекнинг ҳеч бир замонда йўқолмайдиган феъли. Ҳатто, ўша шўро кунларимизда - тошдек зоғора нонни бир қошиқ ёғни қайнаган сувга солиб, қора “шўрва” ичган даврларда ҳам. Келинни тракторда олиб келиб ўтказган тўйларда ҳам.

Агар бу кунлар мазлумликда эмас, озодликда ўтган бўлсачи? Қирқ эмас, 365 кун бўлсачи? 21 йил бўлса-чи? Демак, мустақил яшаган ҳар бир шонли йилимиздан бир улкан шукрона китоби қолаётир. Бунга сабаб - йилдан йилга тарих тарозисининг “эзгу ишлар” палласи босиб бормоқда. Бунга Ватан равнақи, уни ўлчайдиган рақамлар далолат: “**Ўтган даврда бизнинг қандай оғир қийинчиликлар, муаммо, таҳдид ва синовларни енгиб ўтишимизга тўғри келгани ҳаммамизга яхши маълум.** Лекин буларнинг барчасига қарамасдан, **Ўзбекистон иқтисодиёти йигирма йил давомида 3,5 баробардан зиёд ўсади**”.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистонда 2008-2012 йилларда, яъни охирги беш йилда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати дунёдаги саноқли давлатлар қаторида 8,2 фоиздан кам бўлмади.

Осиё тараққиёт банкининг маълумотлари бўйича, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари кейинги уч йилда 3 баробар кўпайди

Бу рақамлар инсонларнинг эътирофи, ҳайрати билан тасдиqlанаётир. Юртимизга илгари келган 10 сайдёдан 9 таси “Ўзбекистон йилдан йилга чиройли бўлиб бораяпти. Тез ривожланаяпти”, - дейишмоқда. Бу чирой бизнинг кўнгилларимиз

чиройидан эмасми? Бу – бунёдкор тафаккурнинг иқтисодий, меъморий тасдиқлари эмасми?

Хайр, 2012 йил

2012 йил билан хайрлашаётимиз. Қадрдон билан хушлашгандек. У ростдан ҳам қадрдон эди. Ҳар биризинг бир йиллик турмушимизга гувоҳ бўлди. Биз билан бирга яшади. Бирга орзулар қилдик, бирга қувондик. Бирга ташвиш чекдик. Ҳар кунни бирга қилган меҳнатимизнинг ютуқ, натижалари билан тўлдирдик. Худди асаларилар катакчаларни бол билан тўлдиргани каби.

Буларнинг бари учун тинчлик керак эди. Давлатимиз, унинг ички ва ташқи сиёсати тинчликни таъминлади. Дунёда бир соат тинчлик қанча туради? Ўйлаб кўрганмисиз? “Тинчлик истасанг, нотинч бўл”, деган эканлар Оғаҳий бобомиз. Унинг баҳосини нотинчлардан сўранг. 2012 йилда Юртимиз тинч бўлди. Бу – тинчлик учун кураш самараси. Дунёнинг кўп жойларида содир бўлган бало-казолар, оғатлар бизни четлаб ўтди. Юрт тинч яшади. Бунёдкор қурилишлар, равон йўллар, ҳалқ осойиши, фермерлик равнаки, саноат, демак, саодат, ҳаммаси тинчлиқдан экан.

“Обод турмуш йили”да Ўзбекистонимизда тинчлик осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачигидек сақлаш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим, ҳал қилувчи вазифамиз бўлиб қолади. “Лекин қачон юрт тинч ва обод бўлади? Қачонки ҳар қайси уйда, ҳар қайси маҳаллада яшаётган одам тинчлик ва осудаликнинг қадрига етиб, уни мустаҳкамлашни, уни ҳимоялашни ўзининг бурчи деб билса, тинчлик учун курашсагина бу мақсадга эришиш мумкин”.

Президентимиз маърузасида мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар, қилинаётган амалий ишларимиз Ўзбекистоннинг дунёдаги энг ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишидек буюк мақсадга қанчалик яқинлаштираётганини англаш ва баҳолаш биз учун айниқса муҳимлиги айтиб ўтилди. Масала яна ИНСОН ОМИЛИГа, маънавиятига бориб тақалди. Яъни Ўзбекистоннинг дунёдаги энг ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишига эришишининг “ҳал қилувчи омилларидан бири бу – ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз аҳолисининг онгу тафакури ва дунёқарашида юз беряётган ўзгариш-

лар, унинг ҳаётга, меҳнатга бўлган муносабати, тобори ўсиб бораётган сиёсий ва ҳукуқий маданияти, десам, исло муболага бўлмайди”, деди Президентимиз.

Марра бизники, Ўзбекистонники!

2012 йилда планетамиз аҳолиси Ўзбекистоннинг тобора машҳур бўла бораётган чиройли байроғини қайта-қайта кўрди. Мадҳиямизни қайта-қайта тинглади. Ўзбекистон фарзандлари жаҳоннинг кураш майдонларидан ғалаба билан қайтдилар. Мисол учун, ўн олти ёшгача бўлган ўсмиirlар терма жамоамиз Осиё қитъасининг мана ман деган, энг кучли мамлакатларининг жамоалари билан кескин курашларда ғолиб бўлиб қайтишди.

2012 йилнинг декабрида икки фарғоналик ўсмир билан танишдик. Улар футбол бўйича шу йили Эронда бўлиб ўтган Осиё чемпионати ғолиблари, ёш футболчилар Адҳамжон Аҳмаджонов ва Акром Комиловлар.

Адҳамжон Марғilonлик. Акромжон Кўқонлик. Иккаласи ҳам 16 ёшда. Акромжон 2009 йилдан бошлаб, Тошкентдаги “Бунёдкор” футбол академиясида таҳсил олажапти. Иккалови ҳам республика мусобақаларида бир неча марта ғолиб, совриндор бўлишган. Коллежларда ўқишиади.

“Жамоамиз билан 2012 октябрь ойида Эронга бориб, Осиё чемпионатида ғолибликни қўлга киритдик. Эрон, Жанубий Корея, Япония, Хиндустон жамоаларини ютдик”, дейди Адҳамжон ийманиб.

“Эронда бир терма жамоа мураббийси телевизорга чиқиб, “Биз Ўзбекистон жамоасини 5:0га ютамиз”, деди. Лекин бундай бўлмади. Биз 3:2 ҳисобида ютдик. Чунки Президентимизнинг, она Ватанимиз ишончи бизни қўллади”.

“Япония терма жамоаси билан ўйнаётганда биз 1-0 ҳисобида ортда қола бошладик”, сухбатга қўшилди Акромжон. “Бир пайт қарасам, чет эллик мухлислар Ўзбекистон байроғини кўтариб, бизни қўллаб-қувватлашапти. Биз Япония жамоасини ҳам енгдик. Ана шунда мен дунёда ўзбек футболининг мухлислари қанчалик кўплигини кўриб, хурсанд бўлдим”.

Адҳамжон: “Мен дунёning бир неча мамлакатида бўлдим. Стадионларини кўрдим, лекин “Бунёдкор”дай зўр стадионни кўрмадим. Бизга “Бунёдкор”дек стадионини қуриб берганлари учун Президентимизга раҳматлар айтаман”.

Президентимиз маърузасида ёшларга алоҳида эътибор қаратилди. Маърузада эртанги ёруғ, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган келажагимизга онгли равишда қадам қўйилаётгани ва бу йўлда бизнинг энг катта таянч ва суюнчимиз, ҳал қилувчи кучимиз ёш авлодимиз эканлиги яна бир бор таъкидланди.

Маърузада педагогларимизни илҳомлантирувчи жуда қимматли, яъни бевосита бутунги ёшларимиз маънавий фазилатларига доир хулосаларни ҳам кўрамиз. Яъни фарзандларимизнинг “... мутлақо янги ўқув тизимида юксак таълим-тарбия олаётган, эски асоратлардан, қарашлардан узоқ бўлган, замонавий касб-хунарларни ўзлаштирган, мустақил фикрлайдиган, эртаги кунга интилаётган”и таъкидланди.

Биз ким эдик?

Президентимиз маърузасида ҳалқимизнинг “Мехнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик”, деган мақолини ҳаётимиз тарзига айлантириш йўлида янги йилда ҳам катта-катта ишларни амалга оширишимиз зарурлиги айтилди. Бу жуда муҳим масала. Чунки ҳалол меҳнат қилиб, турмуши чиройли бўлмаган, косаси оқармаган йиллар ҳали эсимизда. Собиқ совет тузумида Ўзбекистонда ҳам аҳвол шундай эди. Бунинг учун давлат мустақил, ҳалқи эркин бўлиши керак. Келинг, бу ҳақда сўзни ўша йилларнинг бир гувоҳи - фарғоналиқ фахрий, педагог Омонжон ака Ҳошимовга қулоқ тутайлик:

- Ёшлар, неваралар сўраб қолишиади: “Устоз, мустақилликдан олдин ҳаёт қанақа эди?” деган мазмунда. Шунда мен бир гап билан жавоб бераман: “*Биз эски тузумдан тешик тогара билан чиқдик.*” Ўша йиллар дилим ачишиб мана бунақа шеърлар тўқиб, ўзимга ўзим ўқиб юрадим:

*Олтин кўлдан касов қолди,
Қозони ўйқ бир ўчоқ,
Эгасига аранг тегди,
Қириб олинган пўчоқ.*

Яқинда ўзим туглиб ўсган маҳалламга тўйга бордим. Болалигим ўтган кўчада биродарим хонадонини топа олмай қолдим. Сабаб, кўчанинг барча хонадонлари янгитдан қуриб битказилган.

Бизнинг пайтимизда-чи. Яхшиси ўз бошимдан ўтган бир можарони эслаб берай: болалар кўпайиб уй-жойни сал

кенгайтиришига эҳтиёж тузилди. Шунда тишишни орасида сақлаб юрган, пешона тери маблагимга 5 мингта гишт олибман, балога қолибман. Ишонсангиз, бу “ўзбошимчалигим” учун участковойга 7 кун қатнаганман. Болам тенгги йигит “Қаердан олдинг, қайси пулга олдинг, нимага олдинг, қайси машина олиб келиб берди” деб безори жон қилиб ташлаган.

Ана энди қаранг, болаларим, биз уй қура олмасак, меҳнат қилиб роҳатини кўра олмасак, ўз тилимизда гапира олмасак, улуғларимизни зиёрат қила олмасак... Ўзи биз ким эдик ўтган тузум учун?

Ана шундан келиб чиқиб айтаман-да: истиқлол, муҳтарам Президентимиз бизга ўзлигимизни қайтарди, шу ер, шу юрт ўзимизники эканлигини англатди. Бундан буён ҳеч кимга қарамкул бўлиб яшамасликни ўргатди”.

Уйлар муборак!

Ҳозир, XXI асрда дунёнинг айрим мана ман деган давлатларида ҳам ҳар уч одамдан бири умрини ижарада яшаб ўтказмоқда. Топган маошларининг ярмидан кўпини ижарага тўлайди. Чунки уй жойли бўлиш ҳар бир фуқаронинг шахсий муаммоси: Ўзинг учун ўл, етим. Глобусда Ўзбекистондек ёш оиласаларни уй жой билан таъминлаётган давлатлар жуда кам. Уларни бармоқ билан санаса бўлади. Ишонмасангиз интернетга кириб кўринг.

Шунда беихтиёр ўтаётган 2012 йил, яъни «Мустаҳкам оила йили»да:

- хукumat қарори асосида 2012-2013 йилларда ҳар бири 48 квартирага эга бўлган 100та кўпқаватли уй қуриш ишлари амалга оширилаётгани;

- 2012 йилда 2 минг 400та квартира фойдаланишга топширилган бўлса, келгуси йилда яна шунча квартира қурилиши. Ана шундай уйларни сотиб олишда қулай имконият яратиш учун минглаб оиласаларга 15 йил муддатга мўлжалланган 210 миллиард сўмга яқин имтиёзли ипотека кредитлари берилгани;

- бунинг устига ёш оиласалар учун мебель, маший техника ва бошқа уй рўзгор буюмларини харид қилиш учун 71 миллиард сўмдан зиёд истеъмол кредитлари ажратилганлигини эсладим.”

Ҳали ёш бўлсада, ёш фуқароларининг ижтимоий ҳимоясида мард турган Ўзбекистон фуқароси эканлигимдан фаҳрландим. Сиз-чи, ҳурматли ватандош?

Уй-жойли бўлган минглаб ёш оилалар 2012 йилни кузатаётуб, давлатимизга ўз миннатдорликларини қандай билдиришар экан? Агар сиз ўша баҳтиёрлардан бири бўлсангиз, нима деган бўлардингиз?!

Келинг, яххиси, ана шундай баҳтиёр педагог ҳамкасбларимиздан бири Умаров Фахриддинга қулоқ тутамиз:

- Мен уч карра баҳтиман. Биринчидан, мен ишилайдиган Қарши шаҳар 1-сон Болалар мусиқа ва санъат мактаби Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги 910-сонли қарорига мувофиқ янги, замонавий ўқув бинога кўчиб ўтди.

Буни эшиитиб, келинингиз: “Дадаси. Сиз мактабингиз билан янги кенг бинога кўчибсизлар. Лекин бизчи? Қачонгача 5 киши 2 хонали эски уйда сиқилиб яшаймиз”, - деб гина қилган эди.

Баҳтимизга Президентимизнинг янги уй-жой қурилишига оид қарорлари чиқди. Қарши туманида Янги Хонобод массиви қуриб битказилди. Янги, замонавий, барча қулайликларга эга бўлган 4 хонали уйга кўчиб кирдик. Келинингизнинг чеҳраси очиқ. Муомала ўзгарган. Бу – иккинчиси.

Учинчидан, имтиёзларни ҳисобга олганда, аслида уй нархининг қарийб 50%ини тўладим, холос. Шу сабабли мен ҳурматли Президентимизга, педагогик жамоамиз номидан, оиласам номидан ва ўзим номимдан самимий раҳматларимни айтаман”.

Вазифалар

Президентимиз маъруzasида “2013 йил Обод турмуш йили”да ўқитувчи, мураббийлар ўзларининг тарбиявий ишларида нималарга ургу беришлари керак?”, деган саволга жавоблар бор.

Албатта, аввало устоз мураббийларимиз ўз тарбиявий ишларининг режаларини, “Маънавият соатлари”нинг мундарижасини “Обод турмуш йили” мазмунни билан бойитадилар. Ўқувчи-талабаларига ободлик, турмуш тушунчаларининг мазмунини Кейс стади методини қўллаб, ҳаётий мисоллар билан тушунтирадилар.

Бунда айниқса, “Обод турмуш йили”да амалга ошириладиган олти устувор йўналиш мазмун-моҳиятини самарали тушунтириш жуда муҳим. Бунда асосий тушунчалардан калит сўзлар

сифатида фойдаланиш тавсия этилади. Ҳар бир тушунча мазмунини “Бу нимани англатади?”, деган савол орқали очиб, шарҳлаб, бир бирига боғлаб бориш яхши самара беради:

Биринчи йўналиш бўйича: Тинчлик, осоийшталик, хавфсизлик, миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик.

Иккинчи йўналиш бўйича: Аҳоли фаровонлигини, реал даромадларини ошириш. Бандлик. Тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш. Аниқ манзилли ижтимоий ёрдам.

Учинчи йўналиш бўйича: Инсон саломатлиги. Ҳалқ саломатлигини ҳимоялаш. Замонавий технологиялар билан таъминлаш. Профилактика. Тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш.

Тўртинчи йўналиш бўйича: Ҳалқимизнинг хаёт сифати ва даражасини ошириш. Уй жойлар. Замонавий йўл, коммуникациялар. Тоза ичимлик суви. Коммунал хизмат муаммоларини ечиш.

Бешинчи йўналиш бўйича: Маҳаллани обод қилиш. Маҳалла идораси. Ўзини ўзи бошқариш тизимини такомиллаштириш. Ижтимоий ҳимоялаш тизимини йўлга қўйиш. Маҳалланинг таъсирини кучайтириш. Унга янги хуқуқлар бериш.

Олтинчи йўналиш бўйича: Аёллар. Уларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш. Ижтимоий фаоллигини ошириш. Уй бекалари оғирини енгил қилиш. Турмушкини фаровон қилиш.

“Обод турмуш” ибораси Мухтарам Президентимизнинг “Ободлик кўнгилдан бошланади”, деган даъватларини эслатади. Бу даъват биз педагоглардан **обод кўнгилли Шахс тарбиясига** алоҳида эътибор қаратишни талаб қиласиди. Обод кўнгилли Шахс деганда кишининг кўз олдига аввало ўзини ва ўзгаларни, турмушкини обод қилаётган одам келади. Уни ўқитувчи, мураббийлар шу даражага кўтаришган. Унинг кўнглини обод қилишган. Унга миллий маънавият, ғоямиз билан ўз кўнглини, уйини, маҳалласини, юртини обод қилишни ўргатишган. Шунинг учун у:

- ўқиб, мусиқа тинглаб, театрга тушиб, сайд саёҳат қилиб, кўнглини обод қиласиди;
- оиласи, устозлари, атрофдагилар қалбини ширин сўзлари билан обод қиласиди;
- соғлигини жисмоний тарбия билан, соғлом турмуш тарзи билан обод қиласиди;

- мсҳнатдан келган бойлиги билан дастурхонини, рўзгори-ни обод қилади;
- яшаётган квартирасини, подъездини, ҳовлисини обод қилади;
- ишини дўндириб қўйиб, соҳасини обод қилади;
- дахлдор ва фаол бўлиб, маҳалласи, қишлоғини обод қилади;
- бу билан у туманини, шаҳрини обод қилади;
- бу билан у вилоятини, Ватанини обод қилади;
- мана шундай кўнгли обод одамларнинг ҳар кунлик ишлари йигилиб, йигилиб, **Турмушимизни обод қилади.**

«Обод турмуш йили»да ҳар бир синф хонаси, мактаб обод бўлиши бизнинг касбий масъулиятимиз даражасини ҳар куни кўрсатиб туради. Демак, биз ҳам зиёли, ҳамда фаол фуқаролар сифатида уйимизда, маҳалламиизда, мактабимиизда кўнгли, сўзи, иши ободликнинг намунасини кўрсатишимииз керак.

Яъни:

- **Ватанини обод қилиш, инсон эркин ва фаровои яшайдиган ҳаёт барпо этиш орзу ниятлари билан кундалик ҳаётимизни тўлдириш,**
- **уларни ҳаётимизнинг мақсадига айлантириш,**
- **шундай ғоя ва интилишни амалга ошириш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини сафарбар этиш.**

Чунки буларнинг барчаси Мухтарам Президентимиз асос соган Миллий мафкурамизнинг Бош гояси – “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровои жамият” барпо этиш ғоямизнинг рўёбини билдиради. Шундай эмасми?

ОБОДЛИК БАХТИ

**“Обод турмуш йили” Давлат дастури замирида
халқимизнинг шу ёруғ нияти билан боғлиқ
улугвор мақсад ва режалар мужассам**

Президентимиз 2013 йилни мамлакатимизда “Обод турмуш йили” деб эълон қилиш асносида таъкидлаганидек, **“обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳроқибат, аҳиллик, файз-барака ҳукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қиласди”**.

Ҳақиқатан ҳам, “обод” деган сўзнинг маъноси жуда кенг ва теран.

Обод деганда – кўркам бинолар, чиройли қўчалар, боғу роглар билан гўзаллик касб этган, гуллаб-яшнаган юрт кўз олдимиизда гавдаланади.

Обод деганда – меҳр билан ишлов берилган, яхши қаров, парвариш кўрган гўшаларни тасаввур этамиш.

Обод деганда – тарихдан ибратли сабоқ чиқариб, бугунги саодатли кунларга шукrona айтиб, буюк келажакка ишончи мустаҳкам одамлар яшайдиган, гавжум ва серфайз манзилларни англаймиз.

Обод деганда – инсоннинг хурсанд, шоду хуррам бўлишдек руҳий-маънавий ҳолатини, баҳтиёр кайфиятини хис этамиш.

Ободлик ва Баҳт. Она тилимизда “баҳт” сўзи тақдир, насиба, улуш, омад, толе, иқбол, саодат, маъмурлик, кут-барака каби маъноларни ифода этади. Баҳт – бу ҳаётдан, турмушдан тўла мамнунлик, муродга етганлик, беармонлик ҳолати. Баҳт – кишининг ўз турмуши бекам-кўстлигидан ва ҳаёти маъно касб этганидан, орзу-умиди ушалганидан ҳосил қиласиган қаноатидир.

Азалдан инсон ҳаётининг олий мақсади – баҳтга эришишдан иборат. Ўз навбатида, инсоннинг баҳтли бўлиши унинг соғлиғи, иродаси, ҳаётининг мазмунли ўтишига боғлиқ. Инсон юксак жисмоний камолотга эришиш йўлида ҳаракат қилганидек, ақлий

комилликка ҳам жаҳд қиласа, шубҳасиз, ўзи интилаётган баҳтсаодатга мушарраф бўлади.

Баҳт тушунчаси улугланган мана бу иккита иқтибосга эътибор беринг:

Биринчиси – “Эй, Темур!.. Агар подшо бўлиб келган бўлсанг – бизга баҳт ато эт!” (Юртбошимизнинг халқ депутатлари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтган кенгашдаги маърузасида келтирилган Амир Темур ҳақидаги ривоятдан, 1990 йил 24 февраль).

Иккинчиси – “Барчамизга яхши аёнки, ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу дунёга баҳтли яшаш учун келади” (Президентимизнинг Конституциянинг 20 йиллигига багишлиланган тантанали маросимдаги маърузасидан, 2012 йил 7 декабрь).

Ушбу иқтибослар айтилган оралиқ муддат – қарийб 22 йилни ташкил этади. Бу орада баҳт қуши – Хумо мустақил давлатимиз рамзига айланди ва бемисл ардоқ топди. Элимиз ягона, ҳамжиҳат Ўзбекистон халқи бўлиб жисплашди ва суверен Давлатимиз мадхиясини аҳил, баралла куйламоқда: “Серқуёш, хур ўлкам, злга баҳт, нажот...”

Гўзал пойтахтимизнинг муazzам маркази – Мустақиллик майдонида қад ростлаган Баҳтиёр она обидаси, Истиқолимизнинг баҳтли авлоди бунёд этган барча ноёб иншоотлар юртдошларимиз покиза ниятлар билан зиёрат қиладиган, узок-яқин дўсту меҳмонларимиз ҳавас билан қарайдиган мўътабар маъволардир.

Бугунги кунда озод ва обод Ватанимиз кўз ўнгимизда, юракларимизда бор бўй-басти билан кундан-кун юксалмоқда. Халқимиз ободлик баҳтининг нашидасидан фарогат топиб, бунёдкорлик, шуқроналиқ рухи билан яшамоқда, ёруғ истиқбол сари дадил одимламоқда.

Президентимизнинг 2013 йил 14 февралдаги ПҚ-1920-сонли қарори билан тасдиқланган “Обод турмуш йили” Давлат дастури замирида эл-юртимизнинг мустақиллик йилларида кўлга киритган ютуқларини янада кўпайтиришга қаратилган улутвор мақсад ва режалар мужассам экани алоҳида таҳсинга сазовордир.

Юртимиз – тинч ва ҳаловатли, ҳаётимиз – файзли-тароватли

Мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсигиликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликини күнкорачиғидек сақлаш ва мустаҳкамлаш турмуш ободлигининш бирламчи шартидир. Шукрки, юртимизда тинчлик барқарор, осмонимиз мусаффо. Бу – катта баҳт. Бугунги талотўп дунёда бундай баҳту саодатга эришиш осонми? Йўқ, албатта.

Эл-юртимиздаги тинчлик-хотиржамлик ва барқарорлик туфайли шаҳар ва қишлоқларимизда байраму шодисналар, хонадонларимизда тўй-томушалар бўлмоқда. Шундай экан, бу неъматларга чин юракдан шукrona қилиш ва осойишталигимизнинг қадрига етиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Эътибор беринг: биз инсоният тарихидаги энг ривожланган даврда яшаяпмиз. Фан-техника тараққиёти янги-янги босқичларга кўтарилимоқда, одамларга қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратилимоқда. Бироқ тинчлик, ҳаёт аввалида бўлганидек, ҳозир ҳам энг тансик неъмат. Буни дунёning ҳар қунги манзараси инсониятга бот-бот эслатиб турибди.

“Бир кун жанжал чиққан уйдан кирк кун барака кетади”, деган ҳикматни ҳалқимиз бежиз айтмайди. Бугунги кунда айрим юртлардаги нотинчликлар оқибатида аҳолининг осойишталигига путур етмоқда, бегуноҳ одамлар курбон бўлмоқда. Энг ёмони, бу мамлакатлар адоксиз муаммоларнинг исканжасида қолмоқда. Кўшни давлатлар ҳам бундай вазиятлардан зарар кўряпти. Экспертларнинг фикрича, низолар ва бекарорликлар домига тушиб қолган бу давлатларнинг иқтисодиёти бир неча ўн йиллар ортга сурилиб кетади ҳамда улар ўзини ўнглаб олиши учун жуда кўп вақт керак бўлади.

Ҳа, бугунги дунёда жадал ўзгариб бораётган вазият ва жараёнлар, мавжуд можароларнинг кескинлашуви ва янги қарама-қаршиликларнинг пайдо бўлиши, баъзи минтақаларда этник ва конфессиялараро тафовутлар негизида вужудга келаётган тўқнашувларнинг кучайиши, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамда унинг оқибатлари жиддий таҳдид ва хатарларни келтириб чиқармоқда.

Шу маънода, 2012 йилнинг сентябрь ойида қабул килинган

«Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун барча юртдошларимиз, бутун халқимиз томонидан қизғин кўллаб-куватлангани, ҳатто халқаро ҳамжамиятда катта акс садо бергани бежиз эмас. Мазкур Концепция, Президентимиз таъкидлаганидек, давлатимизнинг халқаро майдондаги асосий принциплари, стратегик устувор йўналишларини белгилаб беради ва Ўзбекистон томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг илк йилларидан бошлаб амалга оширилаётган стратегиянинг мантикий давомидир.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон мафкуравий тамойиллар сабабли рўй бераётган турли тўқнашувларга ўзининг жалб этилишига ҳамда қўшни давлатлар ва худудлар билан чегаралардаги қуролли можаролар ва кескинлик ўчоқларида мамлакатимизнинг иштирок этишига йўл қўймайди. Давлатимиз яхши қўшничиликнинг, юзага келадиган низоларни фақатгина тинч йўл билан бартараф этишнинг қатъий тарафдоридир.

Мустақиллик йилларида халқимиз эришган энг катта бойлик – бу тинч-тотув ҳайтимиз эканига шубҳа йўқ. Табиийки, ана шу осойишта ва барқарор ҳаётнинг мустаҳкам қалқони бўлган миллий армиямизнинг барпо этилиши халқимизнинг мустақилликни қўлга киритиш тарихига чамбарчас боғланиб кетган. Шунинг учун Президентимизнинг 2012 йил 24 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашини тузиш тўғрисида”ги қарорида белгилангандан вазифалар ҳам «Обод турмуш йили»да амалга оширадиган эзгу ишларимиз билан узвий боғлиқ.

Мухим масалалардан яна бири – 2010 йил ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган улуғвор вазифаларни изчиллик ҳамда қатъият билан ҳал этишдир. Ўтган даврда Концепцияда кўзда тутилган 50 дан зиёд қонундан 12 таси қабул қилинди. Жорий йилда яна 30 дан ортиқ қонун лойиҳасини кенг жамоатчилик, жумладан, хорижий эксперт ташкилотларни жалб этган ҳолда кўриб чиқиши ва муҳокама этиш жараёнлари бошланиб кетди.

“Обод турмуш йили” Давлат дастурида “Юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”, “Ўзбекистон

Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартериши ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”, “Жамоатчилик назорати тўғрисида” каби ўндан ортиқ янги конун лойиҳаларини тайёрлаш белгиланган.

Албатта, бу қонунларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилиниши мамлакатимизда барқарорлик ва осойишталик, хавфсизлик, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга, инсон хуқуклари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга, жамиятимиз фаровонлигини изчил юксалтиришга хизмат килади.

Ҳар бир одам бой бўлса, мамлакат обод бўлади

Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик хуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Юртимизда мулкчиликнинг турли шакларини жорий этиш ва уларнинг тенглигини хуқуқий кафолатлаш, мамлакатимиз иқтисодиётининг негизини айдан ушбу хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши Асосий Қонунимизда мустаҳкамланган.

Конституциямиздаги бу қоидаларнинг нечоғли ҳаётий эканини пойтахтимизда 2012 йилнинг 12-14 сентябрь кунлари “Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий сиёsatни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзуида ўtkазилган халқаро конференция яна бир бор тасдиқлади.

Ушбу халқаро конференциянинг очилиш маросимида Президентимиз Ислом Каримов қайд этганидек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг бош мақсади – кучли, рақобатбардош миллий иқтисодиётни яратиш ва шунинг хисобидан аҳоли фаровонлигини мунтазам ошириб боришдир.

Бундан қарийб 22 йил олдин иқтисодиёти бирёклима ривожланиб, хомашё тайёрлашга йўналтирилган, боз устига, ғоят улкан табиий, минерал-хомашё ва меҳнат ресурсларига, инсоний салоҳиятга эга бўлишига қарамай, собиқ иттифоқда аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривожи

бўйича охирги ўринларга тушиб қолган юртимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган мураккаб, айни пайтда шарафли йўлига доир баъзи мисолларга назар ташлайлик.

Аввало, мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 3,7 баробар, аҳоли жон бошига нисбатан ҳақиқий даромадлар 7 баробар, нафақаларнинг ўртача миқдори – 9 баробар, иш ҳақи 18 баробар ўсди. Биргина 2012 йилнинг ўзида аҳолининг даромадлари миқдори 17,5 фоизга, энг кам иш ҳақи 26,5 фоизга ошди.

Мутахассислар эътироф этганидек, янгиланган иқтисодиёт ва янги ҳаёт одамлар умрининг давомийлигига ижобий акс этди – умр ўртача 7 йилга узайди. Мамлакатимизда уй-жой фонди қарийб 2 баробар ошди. Бугун юртимиздаги оиласларнинг 98,5 фоизи ўз уйи ёки квартирасига, қишлоқдаги оиласларнинг 97,5 фоизи ер майдончасига эга.

Агар 22 йил илгари 10 та хонадондан биридагина енгил автомобиль бўлган бўлса, ҳозир ҳар учинчи оиласла биттадан, айрим хонадонларда ҳатто бир нечтадан шахсий автомашина бор.

Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунларига бағишлиланган мажлисида Президентимиз томонидан шундай рақам келтирилди: Ўзбекистонда аҳолининг энг кўп таъминланган 10 фоизи ва энг кам таъминланган 10 фоиз қатлами даромадлари ўртасидаги тафовут 2012 йилда атиги 8 баробарни ташкил этган.

Бу жаҳондаги энг паст кўрсаткичлардан бири бўлиб, мамлакатимизда жамиятнинг кескин табақаланишига йўл қўймаслик борасида олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг ёрқин самарасидир.

Энди бу рақамни бошқа бир факт билан муқояса қилайлик: БМТ маълумотларига кўра, сайёрамиздаги энг бой уч кишининг сармояси қарийб 600 миллион киши истиқомат қиладиган 48 та энг қашшоқ мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотидан ҳам кўпроқ экан. Қолаверса, дунёда ҳар йили очликдан 20 миллион одамнинг қирилиб кетаётгани, 1 миллиард 200 миллиондан ортиқрогининг тўйиб овқатланмаслиги халқаро ҳамжамият учун катта муаммога айланган.

Шунинг ўзи ҳам биз турли жозибали даъватларга учмасдан, ўзимизга хос ва мос бўлган тадрижий, босқичма-босқич

тараққиёт йўлини маъқул топиб, ҳар хил инқилобий моделлардан онгли равишда воз кечиб тўғри килганимизни исботлаб турибди.

Жорий йилда халқимиз фаровонлиги ва реал даромадлари узлуксиз ўсишини таъминлаш, бандликни ошириш, қичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни янада ривожлантириш, ахолига, аввало, ижтимоий муҳтож қатламлар ва кам таъминланган оиласаларга давлат томонидан мақсадли ҳимоя ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизими янада такомиллаштирилмоқда.

“Обод турмуш йили” Давлат дастурида бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи, пенсия ва нафақалар микдорини 2013 йилда камида 23 фоизга ошириш, Давлат бюджети сарфларининг 60 фоизини ижтимоий эҳтиёжларга йўналтирган ҳолда, ижтимоий соҳа муассасаларининг молиявий таъминотини янада мустаҳкамлаш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамарадорлигини кучайтириш бўйича аник мақсадли чора-тадбирлар белгиланганни ҳам юқоридаги фикримизни исботлайди.

Энг муҳими, истиқлол йилларида эришган ва эришаётган барча ютуқ ва мэрраларимиз тимсолида Ўзбекистон дунёning тараққий топган демократик мамлакатлари қаторидан мустаҳкам жой эгаллаш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлаш йўлидан дадил одимлаётганини кўрамиз.

Ўз навбатида, буларнинг барчаси ҳар томонлама пухта ўйланган, узоқ истиқболга мўлжалланган сиёsat натижаси, “узбек модели” самаралари эканига тақрор-тақрор ишонч ҳосил қиласиз.

Соғлом миллат – буюк ишларга қодир

Биз ҳақиқатан ҳам ўз фарзандларимиз ва набираларимиз билан фаҳрланиши истасак – улар замонавий билим ва тажрибага эга, иймонли-эътиқодли, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимизнинг ишларини давом эттиришга қодир ва салоҳиятли бўлишларига эришиш, бунинг учун эса албатта нуридийдаларимизнинг ҳар томонлама соғлом камол топишларини таъминлаш лозим.

Мустакилликнинг ilk йилдариданоқ Президентимиз ташаббуси билан кенг қамровли ҳаётбахш ислоҳотлар доирасида тиббиёт соҳсини ҳар томонлама ривожлантириш давлатимизнинг

изчил сиёсатига айланди. Бунинг натижасида мамлакат миқёсида соғлиқни сақлаш соҳасида салмоқли ўзгаришлар амалга оширилиб, улкан ижобий ютуқларга эришилмоқда.

Мамлакатимиз 2011 йилда “Болаларни асрайлик” халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 давлатдан иборат жаҳон рейтингигида ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатилаётган давлатлар орасида 9-ўринни эгаллади. Бу кўрсаткич бўйича Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ каби энг ривожланган давлатлардан олдинда эканимиз ҳам шуни намоён этмоқдаки, мустақиллик йилларида аҳоли саломатлигини яхшилаш борасида юртимизда олиб борилаётган эзгу ишлар ўз юксак самараларини беради.

Президентимиз йил якунларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида мамнуният билан қайд этганидиск, репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича ўзбек модели БМТ томонидан Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун энг яхши минтақавий дастур сифатида тавсия этилди.

Мустақиллик йилларида юртимизда, аввало, энг юқори талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ва уларнинг шаҳар ҳамда туманлардаги бўлимлари, тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат аҳолига бепул, юқори малакали шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мутлақо янги ва ноёб ягона тизим шакллантирилди.

Барча ҳудудларда 3200 дан зиёд ҚВП, яъни қишлоқ врачлик пунктлари бунёд этилди. Туман ва вилоят даражасидаги соғлиқни сақлаш муассасалари оптималлаштирилиб, ихчам туман тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли шифохоналари ва поликлиникалари ташкил этилди.

Шунингдек, мамлакатимизда эътироф этилган илмий мактаблар негизида – кардиология ва кардиожарроҳлик, акушерлик ва гинекология, урология, офтальмология, пульманология ва фтизиатрия, эндокринология каби йўналишларда 10 та республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлар тузилди. Ҳозирги кунда бу марказларда аҳолига юқори технологик тиббий хизматлар кўрсатилмоқда.

Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия маркази шу тиббий марказлар орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги байрами арафасида ушбу марказ кошида Кардиохирургия мажмуасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Тўрт қаватли бу марказ кардиология жарроҳлиги йўналишида фойдаланиладиган барча замонавий техника ва технологиялар билан таъминланган.

Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлари томонидан, “Обод турмуш йили” Давлат дастурида кўзда тутилганидек, жорий йилда 1700 та нозик ва мураккаб жарроҳлик амалиёти, жумладан, 1000 та юрак нуқсонларидағи клапан жарроҳликлари, 200 та аортакоронар шунтлаш, 500 та коронар ва уйку артерияларидағи эндovаскуляр стентлаш жарроҳликлари амалга оширилади. Бинобарин, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни такомиллаштириш, ташҳис қўйиш ва даволашнинг энг илғор услубларига асосланган юқори малакали тиббий ёрдам тизимини яратиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсатнинг устувор вазифалариданdir.

Шу маънода, Тошкентда 2011 йил 25-26 ноябрь кунлари “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “соғлом она – соғлом бола” мавзуидаги ҳалқаро симпозиум ўтганидан кейинкоқ, яъни 2011 йил 28 ноябрь куни Президентимизнинг “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чукурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилингани бежиз эмас.

Бу қарор соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чукурлаштириш, тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, замонавий талаблар ва стандартларга мувофиқ аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам қўрсатишни таъминлаш, республика соғлиқни сақлаш тизимида бошқариш ва меҳнатни ташкил этишининг илғор шакл ҳамда услубларини жорий этишга каратилган.

“Обод турмуш йили” Давлат дастурида Президентимизнинг юқорида айтиб ўтилган қарори ижроси доирасида йил давомида чекка жойлардаги аҳоли пунктларида 32 та қишлоқ врачлик пункти, Тошкент шаҳрида эса 5 та оиласиб поликлиника куриш

ва жиҳозлаш кўзда тутилган. Шунингдек, Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида 54 та туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари бунёд этилади.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Энг асосийси, Давлат дастурида кишиларимизда ўз соғлигини сақлашга тўғри муносабатда бўлишга ва соғлом турмуш тарзи маданиятига йўналтирилган ҳаётий фалсафани шакллантириш вазифаси ва шу доирада амалга ошириладиган тадбирларга устувор ўрин берилган.

Бундан кўзланган мақсад, содда қилиб айтганда, одамларимизда бу ҳаётнинг ҳеч қачон тугамайдиган ташвишларидан бироз ҳоли бўлиб, ўзи ҳақида ҳам озгина ўйлаб, соғлиги ҳақида қайғуриб, таъбир жоиз бўлса, ўзини ўзи қадрлаб, яхши кўриб яшаши билан боғлиқ замонавий кўникмаларни чуқурлаштиришdir. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

Обод жамият куришда ҳал қилувчи куч

Мустақиллик йилларида халқимизнинг қаддини кўтарадиган, шаън-шавкатини улуглайдиган, ғурурига ғурур кўшадиган ва асрий орзулари рӯёбга чиқишига замин яратадиган кўпдан-кўп хайрли юмушлар амалга оширилаётir. Энг муҳими, ҳар қандай инсоннинг энг мўътабар орзуси, астойдил интилган асосий мақсади – соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ҳар томонлама комил инсонни вояга етказишдан иборат, деган масъулият психологияси жамиятимизда қайта қарор топди.

Ўтган даврда баркамол авлод орзуси биз учун энг эзгу мақсадга, таъбир жоиз бўлса, энг савобли ишга айланди. Бугун барча эзгу ишларимиз бошида эл-юрт келажагига бевосита дахлдор ана шу масала турибди. Маънавий бой, ахлоқан етуқ, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш ҳаётбахш ислоҳотларимизнинг узвий қисми ҳисобланади. Зотан, мамлакатимиз аҳолисининг таҳминан 64 фоизи ёшлардан иборат. Бу навқирон авлодимизнинг ўртacha ёши 26,9 йилни ташкил

этади, шу боис Ўзбекистон дунёда аҳолиси ёш бўлган мамлакат мақомига эга.

“Обод турмуш йили” Давлат дастурида ўсиб келаётган ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук – баркамол қилиб тарбиялаш, кадрларни касбий жиҳатдан ҳозирги замон даражасида тайёрлаш, келгусида таълим сифатини янада ошириш ва такомиллаштириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган барча ишлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ гоят муҳим чора-тадбирлар белгиланган.

Йил давомида 732,8 минг нафар ўқувчини бепул дарслик ва қўлланмалар билан таъминлаш белгиланган. Уларнинг 537,8 минг нафари умумтаълим мактаби 1-синф ўқувчилари, 6,4 минг нафари «Мехрибонлик» уйи тарбияланувчилари ва мактаб-интернатлар ўқувчилари, 188,6 мингга яқини кам таъминланган оила фарзандларидир. Шунингдек, 554 минг нафар кам таъминланган оила фарзандлари қишки кийимлар жамланмаси ва бош кийим билан, яна 549 минг нафар 1-синф ўқувчиси эса 12 номдаги ўқув ашёлари билан таъминланади.

Бундан ташқари, ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларининг кутубхона фондини 343 номдаги 600 минг ўқув қўлланмалар билан таъминлаш режалаштирилмоқда. Бу эса ўқувчиларда ўз танлаган касби бўйича мустаҳкам касбий кўникума ва малакалар ҳосил бўлишига, касб-хунар коллажларида амалий-машғулотлар самарадорлигини оширишга бевосита хизмат қиласди.

Нафсијамбрини айтганда, бу каби залворли ва аниқ рақамларга одамларимизнинг кўзи ўрганиб, кўнгли кўникуб ҳам қолди. Ҳар қайси қатъий рақам, умуман, белгиланган мақсадли чора-тадбирнинг ортида инсон омили, ёшларимиз камолоти турганига, шу боис ушбу кўрсаткичлар белгиланган муддатида албатта забт этилишига ҳеч биримиз шубҳа қилмаймиз.

Бу – яхши, албатта. Лекин, Ўзбекистонда бундай юксак мэрралар босқичма-босқич эгалланаётган бир пайтда айрим давлатларда ёш авлод вакиллари учун мактаб эшиклари умуман ёпиқлиги, сайдерамиздаги 1 миллиарддан ортиқ одам бутунлай саводсиз экани ва уларнинг аксариятини болалар ташкил этиши, кейинги вактда бъязи ривожланаётган мамлакатларда мактаб

болаларининг 60 фоизи турмуш қийинчиликлари туфайли ўқишидан кетишга мажбур бўлгани каби аччиқ ҳақиқатларнинг ҳам магзини чақишимиз керак, деб ҳисоблаймиз.

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, охирги ўн йилда жаҳоннинг ҳали у, ҳали бу нуктасида юз берган ҳарбий тўқнашувларда камида 2 миллион нафар вояга етмаган бола қурбон бўлган, 10 миллион нафар бола майиб-мажруҳ бўлиб қолгани етмаганидек, ўз ота-онаси ва бошпанасидан ҳам айрилган.

Ер юзининг ривожланган давлатларида 2008 йилда бошлиниб, сўнгра бошқа юртларни қамраб олган молиявий танглик туфайли дунёда қарийб 40 миллион киши ўз иш жойидан маҳрум бўлган. Демак, улар эндиликда ўз болаларига мактаб либоси, дарслклар, ўқув қуроллари харид қилиш қурбига ҳам эга эмас. Бинобарин, Ўзбекистонимиз сингари болапарвар, халқсевар давлат дунёда нечта?!

Халқимиз иззатини жойига қўйиш йўлида

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликка эришилиши, иқтисодий ва институционал ислоҳотларнинг чуқурлаштирилиши ҳамда инвестиция муҳитининг яхшиланиши мамлакатимиз инвестиция фаоллигининг сезиларли даражада кучайишини таъминламоқда. Айниқса, иқтисодиётимиздаги юқори ўсиш суръатлари ҳисобидан марказлашмаган манбалар, биринчи навбатда, хусусий ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши ортиб бормоқда.

Айтиш жоизки, инвестиция ва саноат соҳасидаги фаол сиёsat натижаси сифатида мустакиллик йилларида юртимизда енгил ва юк автомобиллари, автобуслар ишлаб чиқарадиган янги автомобиль заводлари ташкил этилди. Жаҳондаги етакчи хорижий компаниялар билан ҳамкорликда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Кўнғирот сода заводи, ўнлаб тўқимачилик мажмуалари барпо этилди.

Кейинги фараҳбахш янгиликлардан бири – Устюрт газ-кимё мажмуасини куриш лойиҳаси 2012 йилдаги дунёning ўнта глобал инвестицион лойиҳаси қаторидан жой олганининг ўзи бу

борадаги ишларимизнинг наинки изчиллиги, айни чоғда оламшумуллигини яққол намоён этади.

Ҳақиқатан ҳам, жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг жиддий таъсирларига қарамай, Узбекистон дунёдаги кам сонли давлатлар қаторида иктиносидётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминламоқда, ишончли фаолият кўрсатаётган молия-банк тизимини сақлаб тушибди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил якунларига бағишиланган мажлисдаги маъруzasида қандэ этилганидек, ўтган йилда иктиносидётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар микдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсади. Яъни, глобал жаҳон иктиносидётидаги ҳали-берга сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда Узбекистон ўз иктиносидётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттириди, ахоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади.

Жорий йилда ҳалқимизнинг турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш, муносиб яшааш ва ижтимоий-маишӣ шароитларни яратиши борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилади. Бу борада “Обод турмуш йили” Давлат дастурида белгиланган конкрет чора-тадбирлар шундан далолат бермоқда.

Жумладан, 353 та массивда 10 мингта қишлоқ жойлардаги намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш режалаштирилган. Шу кунларда наинки қишлоқларимиз, балки катта-кичик шаҳарларимизда ҳам гоятда улкан кўламдаги бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилмоқда.

Буларнинг барчаси бежиз эмас. Чунки мустақиллик йилларида бой тарихимиз, бетақрор меросимиз, муқаддас дину диёнатимиз, кўхна урф-одат ва ғанъаналаримиз қайта тикланди. Мехр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбаҳарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш, Ватан тақдири ва кенажагига дахлдорлик туйғуси ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олмоқда.

Албатта, бу каби ижобий омӯзлар ҳалқимизнинг рухиятини кўтариб, ишчанлик, бунёдкорлик қайфиятини кучайтироқда, юртдошларимизнинг келажакка ишончини янада ошироқда.

Дастурда, шунингдек, хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатларининг фаолиятини тартибига солишга қаратилган меъёрий-хуқукий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, аввало, уларнинг аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича коммунал ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борадиган вазифаларини белгилаш кўзда тутилгани долзарб аҳамиятга эга.

Шаҳарлар ва туман марказларининг ҳудудини кўкаламзорлаштириш дастурини ишлаб чиқиш, аҳолини тоза ичимлик суви ва канализация хизмати ҳамда табиий газ билан барқарор таъминлаш, вилоятлар аҳолисини электр энергияси билан таъминлашни яхшилаш, транспорт, замонавий йўллар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш – бу каби қатор йўналишларнинг ҳар бири бўйича белгиланган амалий тадбирлар албатта ҳалқимизнинг турмуши янада обод бўлишига хизмат қиласи.

Мамлакатимизда бундай кенг миқёсли ободлик ишлари кимларгадир яхши кўриниш ёки ҳисобот бериш учун эмас, балки мустақилликнинг олий мақсадини рўёбга чиқариш, яъни ўзбек ҳалқининг иззатини жойига қўйиш учун амалга оширилмоқда.

Президентимиз ибораси билан айтганда, “Ўзбекистон дунёning ривожланган давлатлари қаторига кўшилиш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни, мамлакатни модернизация килишни давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва шу асосда ўз фуқаролари учун муносиб турмуш шароитини яратишни ўзининг истиқболдаги муҳим вазифалари деб билади”.

Обод маҳалла обод кўнгилдан бошланади

Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органдарни, маҳаллалар аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига, бокувчи сини йўқотган, кам таъминланган оиласарга, жисмоний имконияти чекланган ва ёлгиз қарияларга чинакам меҳр-мурувват кўрсатиш, оиласар мустахкамлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-куватлаш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда, энг асосийси, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутиб келмоқда.

Маҳалланинг ҳалқимиз маънавияти билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида гап борганда, мамлакатимиздаги ҳар қайси хонадон, ҳар бир оила, бутун эл-юртимиздаги маънавий иқлим ва вазиятни англамоқчи бўлсак, бу борадаги ҳақиқий манзаранинг ёрқин ифодасини аввало маҳалла ҳаётида худди ойнадек яққол кўриш имконига эга эканимизни эътироф этиш лозим.

Кези келганда, “маҳалла – ҳалқ виждони” деган ҳикмат бежиз тугилмаганини таъкидлаш жоиз. Бу муносиб таъриф одамларнинг дардини, кундалик ўй-ташвишларини яқиндан тушунишда, уларнинг оғирини енгил қилишда энг ҳалқчил идора бўлган маҳалла тизимиға нисбатан юксак ишонч, демакдир.

Мамлакатимизда маҳалла институтига фуқаролик жамияти тизимидағи ҳал қилувчи бўгин сифатида қаралаётганининг муҳим сабабларидан бири шундаки, маҳаллалар давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича кенг қонуний ваколатларга эга.

Ўтган даврда барча соҳаларда эришган залворли ютуқларимизда, бир томондан, юртимиздаги тинчлик-тотувлик, барқарорлик ва бунёдкорлик муҳим ўрин тутса, иккинчи томондан, бунда ана шу аҳиллик ҳамда яратувчанлик, энг муҳими, оиласи ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат маскани бўлган маҳалланинг роли жуда каттадир. Албатта, маҳалла тизимини ривожлантириш борасида муайян чора-тадбирларнинг ўз вактида, изчил амалга ошириб борилаётгани жиддий аҳамият касб этади.

“Обод турмуш йили” Давлат дастурида маҳалла фаолиятини янада такомиллаштириш, хуқук ва ваколатларини кенгайтириш, маҳаллалар ва аҳоли турар жойларининг ташки кўринишини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга оид масалаларни ҳал этишдаги роли ва аҳамиятини оширишга доир бир қатор амалий ишлар белгилангани диққатга лойиқдир.

Жумладан, жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг андазавий лойиҳалар асосида маҳаллаларни ободонлаштириш бўйича худудий тадбирлар режаларини тасдиқлаш, маҳаллалар ташки кўринишини яхшилаш, аҳолининг дам олиши, эстетик тарбия ва соғломлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш каби бир-биридан муҳим тадбирларнинг амалга оширилиши бу борадаги ютуқларимизга ютуқлар кўшиши тайин.

Оила ободлиги – фаровонлигимиз асоси

Маълумки, 2012 йил мамлакатимизда эзгу ният ва олижаноб орзу-мақсадларга тўла “Мустаҳкам оила йили” деган ном билан ўтди. “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури изчил амалга татбик этилди. Давлат дастури доирасида барча молиявий манбалар ҳисобидан 2 триллион сўмдан ортиқ ҳамда 100 миллион АҚШ долларидан зиёд маблаг сарфлангани, ҳеч шубҳасиз, бу йўналишда амалга оширган ишларимизнинг кўлами ва миқёси накадар кенг ва улкан эканидан яққол далолат беради.

Оила институтини юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйғун тарзда ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш масаласига доимий аҳамият бериб келинаётгани алоҳида эътиборга моликдир. Нега деганда, шахс маънавияти, унинг дунёкараши, инсоннинг тасаввур ва эътиқодига алоқадор кўнилмалар мажмуи асосан оиласида шаклланади.

Шу маънода, оила ҳақиқий маънавият ўчоги, мафкуравий тарбия омили ва муҳитидир. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди”.

Бош мақсадимиз баркамол авлод тарбияси, яъни етук, соғлом, маънавияти юксак, маърифати баланд ёшларни тарбиялаб, вояга етказиш экан, бу вазифанинг салмоқли қисми бевосита оила зиммасига тушиши табиий.

Ота-она, бобо-буви, амма-хола, амаки-тогага, aka-ука, опасингилга ва бошқа яқинларга меҳр-муҳаббат, хурмат, умуман, инсоний муносабат айнан оиласида қарор топади. Бу жараён абадий давом этажак. Шарқда инсон шахсини оила муҳитининг таъсирисиз тасаввур қилишнинг иложи йўқ. Айнан шу оиласи парварлик табиатан бизнинг жамоавийликка мойиллигимизни билдиради.

“Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида “Ёш оиласи учун турагар-жой” дастурини амалга ошириш, ёш оиласирага ипотека кредитлари асосида сотиш учун мамлакатимиз худудларида 105 та кўп хонали турагар-жой биноларини куриш учун банклар

томонидан кредит маблағларини ажратиш күзда тутилгани ҳар қанча таҳсинга сазовордир.

Шу билан бирга, имтиёзли ва микрокредитлар асосида аёллар тадбиркорлыгини комплекс дастур асосида ҳар томонлама ривожлантириб, молиявий күмак бериш, шунингдек, “Оила фаровонлигини янада ошириш мақсадида аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш” лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш мүлжалланмоқда. Бу, авваламбор, юртимиз хотин-қизларини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва уларнинг фаол фуқаролик позициясини кучайтириш, оилавий бизнесни рағбатлантириш учун зарур шароитлар яратади.

Жорий йилда газ плитаси, холодильник, кир ювиш машинаси, телевизор, чанг юткич, микротүлқинли печ, дазмол, кондиционер каби электр уй-рўзгор буюмларини ўзимизда ишлаб чиқаришни кескин ошириш режалаштирилган. Қишлоқ худудларида яшовчи аҳолининг узоқ муддат фойдаланишга мүлжалланган бу каби уй-рўзгор буюмларини сотиб олишлари учун ажратилувчи истеъмол кредитлари миқдорини 1,3 баробарга ошириш кўзда тутилган. Бундай амалий тадбирлар халқимизнинг яшаш дараҷаси ва турмуш шароитларини яхшилаш, қишлоқ аёлларининг уй юмушларини енгиллатишда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Мухтасар айтганда, “Обод турмуш йили” Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг, изчил ва атрофлича тарғиб этишимиз даркор. Зотан, олдимизга қўйган эзгу мақсадлар негизида, авваламбор, Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, мамлакатимизни тараққий эттириш, инсон эркин нафас оладиган, тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт барпо этиш гояси мужассам.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Айни шундай орзуниятлар билан қундалик ҳаётимизни тўлдириш, уларни ҳаётимизнинг мақсадига айлантириш, шундай ғоя ва интилиши амалга ошириш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча қуч ва имкониятларини сафарбар этиш, ҳеч шубҳасиз, бугунги кунда ғоят муҳим ва долзарб аҳамият касб этади”.

Гулом МИРЗАЕВ,
Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари

ЯНГИ ЙИЛДА, ЯНГИ УЙДА!

The Case – ишланма

Синф раҳбарлари учун “Маънавият соати”да ўқувчиларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, бунёдкорликка дахлдорлик туйғусини шакллантириш, бунда The Case Method(Кейс - ҳаётий мисоллар)дан фойдаланиш бўйича илмий-услубий ишланма.

Икки оғиз The Case Method ҳақида

Хурматли устоз. Сиз ёшлиар тарбияси, маънавий-маърифий ишларга доир Президент Қарорлари, Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси, Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг қарор ва хужжатларини диққат билан ўрганиб келмоқдасиз. Хужжатларни вараклар экансиз, кўзингиз “жойларда ислоҳотларда эришилган ютукларни халкчил, ҳаётий мисоллар асосида, тарзиб килиши, тушунтириши, кўрсатиш” вазифасига тушади.

Бир мисол. 2012 йил 19 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-1776 сонли Қарори имзоланди. Унда Республика комиссияси зиммасига “Тақдиримсан, баҳтимсан, эркин, обод Ватан!” деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда таргибот-ташвиқот дастурини тузиш ва амалга оширишда 11та масалага алоҳида эътибор қаратиш кўрсатмаси берилди. Эътибор берсақ, бу масалаларнинг ҳар бири Кейс методини тақозо қилишини кўрамиз. Мана улар:

- 1.“Истиқлоннинг ҳаётбахш куч эканини очиб бериш”;
- 2.“Халқимиз мураккаб ва машаққатли йўлни босиб ўтганини чуқур таҳлиллар орқали кўрсатиш”;
- 3.“Ўзбек модели” ўзини ҳар томонлама оқлаганини аниқ факт ва материаллардан фойдаланган ҳолда атрофлича ёритиб бериш”;
- 4.“Қабул қилган дастурларимизнинг амалий натижаларини ҳаётий мисоллар ёрдамида акс эттириш”;
5. “Мамлакатимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб бораётганини кўрсатиб бериш”, ва эртанги кун учун аҳамиятини таъсирчан усул ва воситалар асосида ёритиш”;

8. “Кенг кўламли ишларнинг маъно-моҳиятини атрофича ифода этиш”;

9. “Қуролли кучларимизнинг қудрат ва салоҳиятини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларни кенг акс эттириш”;

10. “Маҳалланинг роли ва таъсири кучайиб бораётганини кўрсатиш”;

11. “Ватанимизнинг жаҳон миқёсида юксалтириш йўлида событқадамлик билан бораётганимизни аниқ ҳаётий фактлар орқали кенг жамоатчиликка етказиш”.

Бу эса ёшлар тарбияси, таълим муассасалари маънавий-маърифий ишларига Кейс стади методини жорий қилиш аниқ вазифа қилиб белгиланганини кўрсатади.

Ана шу вазифадан келиб чиқиб, мазкур илмий-услубий ишланма ишлаб чиқилди. Мақсад - ҳурматли устоз ва мураббий-ларимизга “Маънавият соатлари”ни ўтишда ҳаётий мисоллардан фойдаланиб, ўқувчи ёшларимизда мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига, ислоҳотларга дахлдорликни шакллантиришга кўмаклашишдир.

Бунда уларга The Case Method (ҳаётий мисоллардан фойдаланиш методи сифатида) яхши самара беради. Ёшларимизни миллий ғоямиз руҳида тарбиялашда ҳаётий мисоллар, фактлар бебаҳо манба. Айниқса, болаларимиз ўз кўзлари билан кўраётган, гувоҳ бўлаётган воқеалардан фойдаланиш жуда фойдали. Чунки мисол, воқеаларнинг айнан баён қилиниши, кўрсатилиши, тасвирланиши ўқувчиларнинг “ўша вақтда, ўша жойда иштироки” самарасини беради.

Ушбу “Янги йилда, янги уйда!” Кейс материаллари янги “Обод турмуш йили” арафасида Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номли кўчасида янги тураржой мажмууни фойдаланишга топшириш маросимида иштирок этган юртдошларимиздан муаллиф олган интервьюлар асосида тайёрланди.

“Дахлдорлик дарси” мавзусидаги машғулот якунида ўқувчилар:

- Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга ўз дахлдорликларини намоён қилиши;

- Юртимизнинг барча шаҳар, туманларида қурилаётган янги лойиҳалар асосидаги турар жойлар, жумладан пойтахтимиз Тошкентдаги бунёдкорлик ҳакида аниқ билимларга эга бўлиши;

• “Биз ким эдик. Бугун биз КИМмиз!”, деган саволга ҳаётий, қиёсий фактлар, мисоллар, рақамлар асосида жавоб бера олиши;

• Ватан ва ўз манфаатлари уйғунлигини тушунтириб бера олишлари;

- Мустақилликни ҳимоя қилишга, асраб авайлашга тайёр;

- Ўзи яшаётган худуд, туман, маҳаллада ҳалқ фаровонлиги гояси рўёбини мисоллар билан ҳикоя қилиб бера олиши керак.

Янги йилда янги уйга

Мухтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг ташабbusлари билан мамлакатимиз улкан бунёдкорлик майдонига айланди. Ҳар йили бетакрор, юртдошларимизни, хорижликларни лол қолдираётган меъморчилик намуналари бунёд этилмоқда.

Яқиндагина фойдаланишга топширилган “Бунёдкор” стадиони, Кардиология маркази ғуруримизга ғуур қўшган эди. 2012 йил 27 декабрь куни соат 12 да янги “Обод турмуш йили” арафасида пойтахтимизнинг Алишер Навоий номи билан аталган обод кўчасида унутилмас шодиёна бўлиб ўтди.

8 та кўпқаватли уйлар атрофи байрамона безатилган. Йўлаклар саранжом, зинапоялар кенг, ёритилган, озода саришта. Уйларнинг кириш йўлакларига “Янги уйлар муборак！”, “Хуш келибсиз！” “Янги уйлар кутлуг бўлсин！”, “Янги йилингиз муборак бўлсин！”, “Обод турмуш йили”нгиз муборак бўлсин！”, “Янги йилда янги уйга” деган рангли ёзувлар осиб қўйилган.

Оқ мармар уйларга сукланиб тикиласиз. Уйларнинг 1 ва 2 қаватлари замонавий дўконлар. Уларнинг ложувард ойналари ортидан сеҳрли олтин қандиллар сизни имлайди. Бу порлаган ранглар гармонияси бугун Алишер Навоий кўчасидан пиёда, энг замонавий автобусларда, Нексия, Спарк, Ласетти, Этика, Малибуларида ўтаётган юртдошларимизга қувонч, ҳайрат, ифтихор улашаётир. Ҳамманинг гаплари беихтиёр бир мавзу атрофида айлананаётир. Бу мавзу – “Биз ким эдик. Бугун биз КИМмиз！”.

Мухтарам Президентимизнинг ташабbusлари ва лойихалари асосида миллий ва жаҳон шаҳарсозлигининг энг сўнгги ютуқларини ўзида мужассам қилган тураржой мажмуаси фойдаланишга топширилди. Навоий кўчасини маржонга тизилган марвариддай безаб турган янги уйлар ўз эшикларини очди. Бу қувончли воқеа барча юртдошларимизни, айниқса янги уй эгаларини қувонтирди.

Шодиёнада пойтахт жамоатчилиги вакиллари, фаоллари иштирок этишди. Биз улардан 10 нафарининг фикрини ёзиб олдик. “Маънавият соати”да ҳар бир фикр бир ўқувчи томонидан ўқиб эшиттирилади. Устоз ўқувчиларга ушбу фикрга ўз муносабатини айтишларини сўрайди. Фикрни аниқлаштирувчи саволлар беради. Ўқувчилар ўз мустақил фикрларини билдирадилар.

1-Фикр: Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳар Учтепа туман Дегрез маҳалласи раиси Марат ота Ғуломов шундай деди: Менинг ёшлигим худди мана шу ерларда ўтган. Ўшанда Навоий кўчасининг бир ёғи иморат, бир ёғи жарлик эди. Одамлар пастқам уйларда яшардилар. Қоронги тушгач, бу ерлардан ўтишга одам қўрқар эди. Кейинчалик ярмарка деган дўконлар қурилди. Бу дўконлар талабга жавоб бермас эди. Ишонсангиз, ҳатто ерда ўтириб савдо қилинар эди-да.

Энди қаранг. Юксак маданиятли савдо дўконлари ишлай бошлади. Савдо, хизмат кўрсатиш маданияти ўзгарайпти. Тафаккур ўзгарайпти. Болаларимизнинг тарбияси ўзгарайпти. Мен ўша пайтларда пойтахтда тураман, деб ўзимча фахрланиб юрган эканман. Пойтахт дегани мана бундай бўлар экан.

Мана, кисқа муддатда Ҳазрати Имом мажмуаси, Халқаро Анжуманлар саройи, “Маърифат маркази”, “Бунёдкор” стадионлари қуриб битказилди. Бугун эса Навоий кўчасида Европанинг ривожланган давлатларидан асло қолишмайдиган янги уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Тўғрисини айтсам, ҳозир менда ҳам қани эди, мен ҳам шундай уйларда яшасам, деган орзу пайдо бўлди.

Халқимиз бойиб, енгил машиналар сони тез кўпаймоқда. Бундай вазиятда шаҳримиз кўчаларининг кенгайтирилаётгани жуда яхши бўлаётир. Агар шундай қилинмаганида эди машиналар йўлларга соатлаб тикилиб қолар эди. Бу иш осон иш эмас эди. Муаммони ечишнинг энг яхши йўли топилди – трамвай, троллейбус йўлларидан воз кечилди. Йўлларимиз кенг, текис, равон бўлди.

Янги уйларнинг калитларини қўлларига олган ҳамشاҳарларимизга “Янги йилда янги уйлар муборак!”. Оилаларимиз бундан ҳам мустаҳкам бўлсин. Хонадонингиздан баҳт саодат, фаровонлик аримасин, деймиз”.

Саволлар:

1. *Марат ота нега “Мен ўша пайтларда поитахтда тураман, деб ўзимча фахрланиб юрган эканман. Поитахт дегани мана бундай бўлар экан”, деди?*
2. *Сиз мустақиллик йиларида қурилган қайси улкан биноларни биласиз?*
3. *Марат ота нима учун “Халқимиз бойиб, енгил машиналар сони тез кўпаймоқда”, деди?*

2-фикр. Ўктам Қурбонов, 6 уй 21 хонадон эгаси – автомобиль саноати ходими:

Бугун бизнинг оиласиз жуда баҳтли. Чунки ҳамма орзу қиласидиган, Европанинг ривожланган давлатларидағи уйлардан сира қолишшамайдиган замонавий, қулай, шинам хонадон эгасимиз. Бу уйлар шаҳарсозликнинг энг янги, намуналари асосида қурилганлиги бизда ифтихор уйғотади.

Айниқса, уларнинг пишиқ ғиштдан қурилганлиги, миллий анъаналар ва замонавийлик уйғунлиги жуда чиройли. Мұхтарам Президентимиз Ислом Каримов ўз “Биз уй кургандан аввалгидек пахса деворли эмас, балки 80-100 йилга етадиган, етти пуштимизга хизмат қиласидиган уйлар қуришимиз керак”, деган әдилар. Мен ишонаман, 2112 йилда бу уйда менинг чевараларим фахрланиб яшашади.

Илгари мен Юнусободга бориб, спортзалда шуғулланар әдим. Энди 200 метр юраман, холос. Қўшни уйимиз тагида спортзал ишлаб турибди. Бориб кўрдим. У ерда дунёдаги энг яхшилари тренажерлар ишлаб турибди.

Ҳар бир хонадонда алоҳида телефон дафтарлари бор. Уларда хизмат кўрсатиш турлари, телефонлари ёзилган. Баъзан иш билан бўлиб овқат қилишга улгурмасак, шартта телефон қиласиз. Пастдан иссиқ овқатни пишириб, келтириб беришади.

Бугунги хурсандчилик юртимизда “2013 йил – Обод турмуш йили”да давом этадиган бунёдкорлик ишларининг дебочаси деб биламан. Бундай улкан бунёдкорлик ва ғамхўрликлар раҳнамоси мұхтарам Президентимизга чексиз миннатдорчилик билдираман. Ўз билимим, куч ва гайратимни шу азиз Ватан фаровонлигига сарфлашга сўз бераман”.

Саволлар:

1. Президентимиз Ислом Каримовнинг “Биз уй қурганда аввалгидек пахса деворли эмас, балки 80-100 йилга етадиган, етти пуштимизга хизмат қиласиган уйлар қуришимиз керак”, деган фикрларини қандай тушундингиз?

2. Хонадонлардаги телефон дафтарлари нимага хизмат қиласи?

3. Ўқтам аканинг “Ўз билимим, куч ва гайратимни шу азиз Ватанимиз фаровонлигига сарфлашга сўз бераман”, деган ваъдаси мазмунини сиз қандай тугундингиз?.

З-Фикр. Мехнат фахрийси Мавжудаҳон ая Зияева сўзи

Мен бир умр мана шу Хадрадаги “Дори-дармон” бошқармасида ишлаб келдим. Умрим оиласи билан, барча шароитлари мужассам хонадонда яшасам эди, деган орзуда ўтди. Лекин собиқ шўро даврида бу орзум армонга айланди. Чунки у даврда бундай ҳашаматли уйларни куриб ҳам, олиб ҳам бўлмасди. Мана бугун, мустақиллигимиз шарофати билан, менинг ўғлим мен етолмаган орзуларга эришди. Она учун бундан ортиқ баҳт борми?

Уйнинг олди хиёбон, орқа тарафи боғ. Хавфсизлик уйимизга кираверишдан – домофондан бошланади. Ким сўраб келган бўлса, уйимизда ўтириб, тасвирини кўрамиз. Сўрашамиз. Уйимизнинг ичидаги қулайликларни айтмайсизми? Уйимизга икки тарафдан қуёш нури тушади. Иссиқ. Хоналари алоҳида. Ошхонанинг шинамлигини қўяверасиз.

Неварапарим учун болалар хонаси, дарс тайёрлаш столи, компьютер мосламалари, китоб жавони, кийим-кечак шкафлари бор. Жакузиларни айтмайсизми?! “Дом”да жакузи бўлишини тушимизда ҳам кўрмаганмиз! Тўғрими?! Шкафларнинг ғилдирак билан очилиб ёпилишичи? Ҳар бир хона алоҳида иситилади.

Илгари кўчадаги уйлар фасади кулранг, бўғик, ёқимсиз эди. Шунинг учун кўча бефайз ва кўримсиз эди. Айниқса, кўчанинг ўртасида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга панжаранинг ўрнатилгани ҳам чиройли, ҳар томонлама қулай бўлди. Биз айниқса, болаларимиздан, неварапаримиздан хотиржаммиз.

Мен она, буви сифатида бу уйларни қуришнинг ташаббускори ва Бош меъмори, барчамизнинг ғамхўримиз мухтарам

Президентимиз Ислом Каримовга барча онахонлар, аёллар номидан чексиз миннатдорчилик билдираман”.

Саволлар:

1. *Мавжудаҳон ая нима учун “барча шароитлари мужассам хонадоңда яшасам, деган орзум армонга айланди. Чунки у даврда бундай ҳашаматли уйларни қуриб ҳам, олиб ҳам бўймасди”, деди?*

2. *Янги уйларнинг қандай қулайликлари бор экан?*

3. *Мавжуда аянинг Президентимиз Ислом Каримовга барча онахонлар, аёллар номидан чексиз миннатдорчилигининг сабаблари нимада деб ўйлайсиз?*

4-фикр. Дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони Ришод Собиров:

Мен спортчиман. Европанинг кўп давлатларида бўлдим. Шаҳарларни, одамларнинг турмушини кузатаман. Ҳар сафар Тошкентга қайтганда, дам олиш кунлари шаҳримизни айланаман. Пойтахтимизда курилаётган янги боғлар, биноларга караб, Тошкент билан Европанинг манаман деган шаҳарларини солишираман. Пойтахтимизнинг ҳам миллий, ҳам замонавий ривожланаётганидан фахрланаман.

Ўзбекистон – дунёдаги ўз ёшларига, жумладан, спортчи ёшларига энг ғамхўр давлатлардан бири. Бунинг бир мисоли: “Мустаҳкам оила йили”да минглаб ёш оилаларга уй-жойлар куриб берилди, кредитлар, рўзгор анжомлари олиш учун имтиёзлар берилди. Мен ҳам ана шундай баҳтли ёшлардан бири эканлигимдан фахрланаман.

Буларнинг барчаси мухтарам Президентимизнинг ташаббуслари ва раҳбарликларида бўляяпти. Шу сабабли мен Мухтарам Президентимизга ўзим ва оиласам номидан чексиз миннатдорчилик билдираман. Ўзбекистон спорти шарафини янада юксакларга кўтариб, фарзандлик бурчимни оқлашга сўз бераман.

Саволлар:

1. *Дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони Ришод Собиров ҳақида нималарни биласиз?*

2. *“Ўзбекистон - дунёда ўз ёшларига энг ғамхўр давлатлардан бири”, деган фикрни шарҳланг.*

3. Ришиод Собиров “фарзандлик бурчимни оқлашга сўз бераман”, деб ваъда берди. Сиз Ватанимиз олдидағи фарзандлик бурчингизни қандай тушунасиз?

5-Фикр. Тошкент шаҳар “Нуроний” жамғармаси раиси Мухаммаджон Зуфаров: Мустақилликнинг биринчи кунидан бошлаб Ислом Абдуғаниевич бутун куч ғайратларини Республикализминг ривожланишига, бунёдкорликка, ободонлаштириш ва тарихий обидаларни тиклашга қаратдилар.

Натижада Мустақиллигимизнинг 20 йиллик умрида 100 йил ичида қилинадиган ишлар амалга оширилди. Бугун айтиш мумкинки, пойтахтимиз дунёдаги яшаш учун энг қулай гўзал шаҳарлар қаторидан жой олди. Чунки 20 йилда 500 дан ортиқ кўчалар янги қурилиб таъмирланди. 30 дан ортиқ 2 қаватли кўприклар қурилди, шаҳар кичик ҳалқа йўли, 8 та кўприк қуриб битказилди.

Бу қилинган ишлар эвазига автомашиналар бемалол юрмоқда. Сирдарё томонидан келаётган катта юқ машиналар ҳалқа йўл орқали ўтмоқда. Бу пойтахтимиз экологияси, ҳавосини тоза қилди.

Шаҳримизда жуда катта кўламда бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Пойтахтнинг қоқ марказида қурилган Халқаро анжуманлар саройи биноси пойтахтимизнинг 2200 йиллик юбилейига тухфа қилинган эди. Ўшанда мен сўзга чиқиб, “агар Тошкентни олтин узук десам. Ислом ака унга катта олмосдан кўз қўйиб бердилар”, деган эдим. Бунақангি бинолардан жуда кўп қурилди. Шундан бери Навоий кўчасидаги Миллий кутибхона, Ёшлар ижоди маркази, “Бунёдкор” стадионининг очилиш тадбирларида қатнашдим.

Мұхтарам Президентимиз пойтахт ахлиниңг хәёлига ҳам келмаган мўъжиза яратиб бердилар. Кечагидек ёдимда. “Бунёдкор” стадионининг очилиш маросимида ўтирибмиз. Ўшанда стадион тепасидаги арк(очиқ қисми) ўртасида 15 кунлик ой пайдо бўлди. Буни қарангки, ўша лаҳзада санъаткорларимиз ой ҳақида қўшиқ айтишаётган эди. Бу мўъжиза эди.

Ислом Абдуғаниевич менга қараб: “Оқсоқол, қалай?”, дедилар. Мен яқинроқ бориб, катта раҳматлар айтдим.

Шахримизнинг аввалги раҳбарлари калтабинлик қилиб, “Бу ерда булоқ сувлари бор, деб баҳона қилиб, иморат қуришмаган. Чунки уларнинг нияти шаҳарни кўркам қилиш эмас эди. Шу сабабли уйлар темир бетондан, совук, файзсиз бўлар эди.

Алишер Навоий кўчаси пойтахтнинг кўчасига энди ўхшади. Курилган бу иморатлар осмондан тушгани йўқ. Уларнинг иккинчи қаватида дунё талабига жавоб берадиган жихоз ва маданиятли савдо ташкил қилинди. Бу уйда яшашни бутун пойтахт аҳли ҳавас қилмоқда”.

Саволлар:

1. *Мустақилликнинг биринчи кунларида Ўзбекистон қай аҳволда эди?*
2. *Муҳаммаджон отанинг “20 йилда Ўзбекистонда 100 йилда қилинадиган ишлар амалга оширилди”, деган гапларига ўзингиз яшаб турган туман, шаҳардан мисоллар келтиринг.*
3. *Шўро даврида қурилган уйлар нима учун темир бетондан, совук, файзсиз бўлган?*

6-фикр. Ёш эколог олим Ҳусниддин Пўлатов: “90 йилда Тошкент шаҳри умумий майдонининг 9%ини боғ ва хиёбонлар, яшил ҳудудлар ташкил этган. Чунки одамлар яшайдиган жойларга завод, фабрикалар қуриб ташлашган. Бундан шаҳар ҳавоси ифлос бўлиб, оғир экологик вазият юзага келган. Ўша пайтда қушларнинг ўнлаб турлари Тошкентдан учиб кетган эди. Ҳозир эса боғ ва хиёбонлар худуди 23%га етди. Ўша даврлар кетиб қолган қушлар яна қайтиб келишаётир. Қайтган кушлар шахримиз ҳавоси қанчалик мусаффолигини холис кўрсатиб туришибди. Айниқса, Кичик ҳалқа йўлининг қурилиши шаҳар ҳавосини, экологиясини, одамлар нафас олаётган ҳавони поклади. Тоннаб чиқадиган заарли газлар энди йўқ.

Навоий кўчаси атрофидаги ташландик ётган катта майдон бокқа айлантирилди. Бу оқ мармар уйлар чиройини кўриб, ҳаяжонга тушдим. Беихтиёр Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг “Кудратимизни кўрмоқчи бўлганлар биз курган иморатларга боқсин”, деган муборак сўзларини эсладим.

Саволлар:

1. *XX асрнинг 90 йилида нима учун Тошкент шаҳри умумий майдонининг атига 9%ини боғ ва хиёбонлар, яшил ҳудудлар ташкил этган?*

2. Бир пайтлар қочиб кетган қушларнинг қайтиши нимани билдиради?

3. “Яхшидан боз қолади”, мақолининг мазмунини тушунтириб беринг.

7-фикр. Шайхонтохур тумани ИИБ профилактика катта инспектори майор Акбаров Абдуваҳоб Эшманович:

Мен 1998 йилдан бери Шайхонтохур тумани Ички Ишлар Бошқармаси профилактика хизматида инспектор лавозимида фаолият юритиб келаяпман. Мен ҳам мана шу замонавий, европанинг ривожланган давлатларидағи каби уйлардан бирига күчиб кирдим.

Бугунги кунда нафақат Тошкент шаҳрида балки, юртимизнинг барча ҳудудларида муҳташам ва замонавий бинолар барпо этилмоқда. Шу жумладан, Шайхонтохур тумани ҳудудида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, «Баркамол авлод маркази» ёки Чорсу бозори ҳудудидаги бинолар шаҳримизнинг кўркига кўрк кўшиб турибди.

Чиройли уйлар одамларнинг кўнгилларига, хулқи, маънавиятига катта таъсир кўрсатар экан. Мана, мен хизмат қилаётган “Хадра” маҳалласи ҳудудида хукуқбузарлик ҳолатлари анча камайиб кетди. “Ўқчи” маҳалласида хукуқбузарлик ҳолатлари янги уй жой мажмуаси курилиш даврининг ўзида уч карра камайди.

Янги уйимизни афзаликларини гапирадиган бўлсан уйнинг фасадлари миллий нақшлар билан безатилган, хонадонлари эса баланд, 3 метр, даҳлизи ва хоналари кенг, ёруғ, баҳаво ва шинам, турмуш ўртоғим Зебунисо, айникса, ошхонадаги қулайликлардан хурсандчилиги ичига сифмаяпди. Биринчи ва иккинчи қаватда жойлашган савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаларида оила эҳтиёжи учун барча керакли нарсалар бор. Болаларимнинг кўзлари ўзгача чақнади. Биз оиласиз билан давлатимизнинг ва хурматли юртбошимизнинг ғамхўрлигидан чексиз миннатдормиз.

Бундай юксак эътиборга жавобан бундан буён ҳам бор вужудимни, борлигимни, кучим ва ғайратимни Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигига, Президентимга багишлийман.

Саволлар:

1. “Чиройли уйлар одамларнинг кўнгилларига, хулқи, маънавиятига яхши таъсир кўрсатар экан”, деган фикрнинг маъносини чақиб беринг.

2. Сиз яшаётган туман, шаҳарда қурилаётган янги намунавий уй-жойлар, бинолар ҳақида ҳикоя қилиб беринг.

3. Бор вужудимни, борлигимни, кучим ва гайратимни Ватанимиз тинчлиги ва осоишталигига, Президентимга бағишлайман.

8-Фикр. Нуроний отахон Музаффар Раҳимов: Бир вақтлар калта ўлланиб, Тошкентнинг ажойиб боғлари бузиб юборилди. Ариқ ва булоқлари кўмилиб кетди. Иклим шароитимизга мутлақо тўғри келмайдиган, бир бирига ўхшайдиган темир бетон уйлар куриб ташланган эди. Ана ўша аччиқ тажрибалардан келиб чикиб, Президентимиз шаҳарсозликка етти ўлчаб эмас, етмиш марта ўлчаб бир кесиши кераклигини таъкидлагандилар. Ана шундай узоқни кўзлаб олиб борилган бунёдкорлик натижасида бугун азим пойтахтимиз ўзгаларнинг ҳавасини ва халқимизнинг гурур ифтихор ва севгисини уйготмоқда.

Айниқса, гўзал ва муҳташам Миллий театрнинг рўпарасида кий-чувли, ифлос ярмаркадан келадиган бақир-чақирлар одамларни ранжитар эди. Боз устига машиналар тирбандлиги, бетартиблиги, улардан чиқаётган заҳарли газ кўшилиб ҳам табиатга, ҳам кайфиятга зиён берар эди. Илгари ҳам бу кўча Навоий номида эди. Лекин бу улуғ номга номуносиб эди. Ярмаркачилар дастидан тротуарларда ҳам юриб бўлмас эди. Мана бугун исми жисмига мос бўлибди. Навоий бобомизнинг достонларда ёзган орзу армонлари мана, рўёбга чиқди.

Бугунги кунда Тошкентда олиб борилаётган бекиёс ободонлик 1000 йилда бир бўлади ё йўқ. Мана шундай давр бизнинг вақтимизга тўғри келибди. Мухтарам Юртбошимизнинг бекиёс меҳрлари туфайли, Тошкент ўз номи билан “Шарқнинг дарвозаси”, «Ислом маданияти пойтахти» деган номларга мос шаҳарга айланди. Бугун ҳар биримиз, айниқса, ёши улуғлар меҳнат қилаётган одамларнинг олдига чиқиб, “Хорманглар！”, деб кўмакдош бўлишимиз, ҳеч бўлмаса, бир пиёладан яхна чой қуиб бериб туришимиз зарур деб ҳисблайман.

Саволлар:

1. *Музаффар ота “Бир вақтлар калта ўлланиб, Тошкентнинг ажойиб боғлари бузиб юборилди. Ариқ ва булоқлари кўмилиб кетди”, деганда қайси вақтларни назарда тутмоқда?*

2. Президентимизнинг “шаҳарсозликда етти ўлчаб эмас, етмиши марта ўлчаб бир кесиши керак”, деган фикрларини шарҳлаб беринг.

3. Пойтахтимиз нима учун “Шарқнинг дарвозаси”, «Ислом маданияти пойтахти» деб аталганлигини ўртоқларингизга тушунириб беринг.

9-фикр. Архитектор талаба Ф.Йигитов: Яқинда Президентимизнинг яна бир қарори –Тошкентнинг Эски шаҳар қисмини 2020 йилгача бўлган даврда ривожлантириш ва ободонлаштириш бўйича қарорлари қабул қилинди. Бу муҳим хужжатда эски шаҳарни тубдан реконструкция қилиш, янада ривожлантириш ва ободонлаштириш, аҳолининг ҳаёт сифатини ошириш, замонавий талаблар шаҳарсозлик принциплари ва нормаларига мувофиқ тарзда ижтимоий, транспорт ва муҳандислик коммуникация инфратузилмаларини шакллантириш, миллий меъморлик анъаналарини асрраб авайлашга қаратилган қатор чора тадбирлар кўзда тутилган.

Тошкент шаҳри мустақиллик йилларида мегаполисга айланди. Кўп давлатларда шаҳарлар бетартиб кенгаяди. Бизнинг пойтахтимиз эса узоқни ўйлаб тузилган режа асосида ривожланмоқда. Тошкент қурилишларининг линияли характеристи мегаполиснинг белгиларидан бири.

2000-3000 км радиусда Тошкентга teng келадиган шаҳар йўқ. Пойтахтимиз минтақамизнинг энг кўркам, энг қулай шаҳрига айланди. 2012 йилда нуфузли ҳалқаро ташкилотларнинг эътирофига кўра Тошкент шаҳри дунёда инсонларнинг яшави учун энг қулай бўлган – Вашингтон, Амстердам, Сидней, Берлин, Париж каби шаҳарлари қаторига кирди..

Энг катта кўчаларимиз илгари 2-4 полосали бўлган бўлса, ҳозир 6-8 қаторли(полосали) бўлди. Мухтарам Юргашимиз ободликка шунчалик катта эътибор кўрсатяптилар. Биз қараб турамизми? Йўқ. Ҳаммамиз бир жону бир тан бўлиб, уни тозаозода тутиб, асрраб авайлаб, қадрига етайлик.

Саволлар:

1. “Мегаполис” деган сўзнинг маъноси нима?(Синф раҳбари олдиндан тайёрлаб, тушунириб беради. Ўқувчилар ўз фикрларини билдирадилар).

2. 2000-3000 км узоқликда Тошкентга тенг келадиган шаҳар йўқлигини (Харитага циркул марказини Тошкент шаҳри устига қўйиб, 3000 км айланга майдон ҳосил қилиб, чизиб, пойтахтимизнинг афзаликлари санаб ўтилади) тушунтириб беринг.

3. Талаба йигитнинг ташаббуси ҳақида ўз фикрингизни айтинг.

10-фикр. Ўзбекистон Халқ шоири Маҳмуд Тоир: Бундай баҳтиёр лаҳзаларни шоирнинг оташин мисраларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Янги уйлар эгаларини кўшалоқ байрам билан кутлаб, мана бу сатрларни битдим:

Шаҳарлар ичинда бир гавҳар шаҳар,
Гавҳарлар соҳиби бир заргар шаҳар.
Пойтахт деган сўзнинг пойидаги нур,
Тиллога тенг эрур пойидаги нур.
Бугунги Тошкент бу порлаган офтоб,
Оlamни бағрига чорлаган офтоб.

Саволлар:

1. Пойтахтимиз Тошкент ҳақида нималарни биласиз?
2. Шоир “Шаҳарлар ичинда бир гавҳар шаҳар”, деганда нимани назарда тутган?
3. “Оlamни бағрига чорлаган офтоб” иборасининг мазмунини тушунтириб беринг.

ОБОД ТУРМУШ – МУСТАҲКАМ ОИЛА, ФАРОВОН ҲАЁТ ГАРОВИ

2013 йилнинг Президентимиз томонидан обод турмуш йили деб эълон қилиниши кенг жамоатчилик томонидан мамнуният билан қабул қилинди. Чунки унда инсон манфаати, ҳукуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада фаровон бўлишига эришиш мақсадлари мужассам.

Масаланинг муҳим жиҳати, биз ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган озод ва обод, фаровон ҳаёт – мустақиллик ва юксак маънавият тушунчаси билан шу қадар муштарак тушунчаки, уларнинг бирини иккинчисидан ажратиб бўлмайди. Зеро, Мустақиллик маънавиятидан кўнгиллар обод бўлди. Обод кўнгиллар уй, кўча, йўл, қишлоқ, маҳалла, ям-яшил хиёбон, майдон, гулзорлар, иншоотлар билан Ватанин ОБОД қилди. Қайси томонга қараманг, озод ва обод Ватанинг муаттар ифори кўнгилларни чароғон қилиши кишини ғуурланиш асносида фидойиликка чорлади

Обод турмуш мазмуни

Мустақиллик йилларида кўпгина тушунча ва ғояларнинг мазмунини янгидан идрок этиш анъана тусини олди. Улардан бири обод турмуш тушунчасидир. Юртбошимиз Ислом Каримов Конституциямизнинг 20 йилигига бағищланган тантанали йигилишда сўзлаган нутқида мазкур тушунча мазмунига зътибор қаратиб, қуйидагиларни таъкидлади: “ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу дунёга бахтли яшаш учун келади. Бундай юксак орзуга етишнинг шарти ва гарови бўлган омиллар кўп. Лекин улар орасида ҳаётимизга маъно-мазмун берадиган, уни янада ёруғ ва файзли қиласидаги бир омил борки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз уйи, ўз юртини ҳар томонлама гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб, рози бўлиб яшашида яққол намоён бўлади”. Демак, обод турмуш деганда аввало, “бахтли яшаш омиллари”ни тушуниш лозим. Бу омиллар ўз уйи ва юрти учун фидокорона меҳнат ва бунёдкорлик асосида вужудга келтирилади. Самарали меҳнат ва бунёдкорлик руҳи обод турмушнинг юзага келишига олиб келади. Негаки Юртбошимиз таъкидлаганидек, “обод деган сўзнинг маъносини биз жуда кенг ва чуқур тушунамиз. Обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафакат кўркам ва чиройли, шу билан бирга,

тинчлик ва осойишталиқ, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, файз-барака ҳукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қиласи”. Зеро обод деганда шундай мазмун тушунилиши керак:

- баҳтли яшаш учун меҳнатсевар ва бунёдкор бўлиш;
- юртни кўркам ва чиройли масканга айлантириш;
- тинчлик ва осойишталиқ учун учун курашиш;
- ўзаро меҳр-оқибат ва аҳилликни асрарш;
- файз-баракали бўлиш;
- доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшаш.

Обод турмуш тушунчасининг маъно-мазмуни ана шундай теран ва чукур. Шу сабабли мамлакатимизда “Ободлик – кунгилдан бошланади” мазмунидаги интилиш таркиб топган. Бунинг маъноси шуки, қалбида соглом гоя, ният ва интилишлари бўлган одамлар албатта ўз юртни обод қила олади. Юртбошимиз айнан шунга эътиборни қаратиб, обод турмуш тушунчасида, “барчамизни ҳаракат ва интилишларимиз негизида авваламбор юртимиз, Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, инсон эркин нафас оладиган, тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт барпо этиш гояси мужассам эканини” таъкидлайди. Бинобарин обод турмуш тушунчасида Тинчлик, Фаровонлик ва Фидокорлик қадриялари муҳим ҳисобланади.

Ўтаётган ҳар бир кун тарихга айланиб бормоқда. Қайси бир халқ вақтдан оқилона фойдаланиб, эзгу орзу-ниятларни рӯёбга чиқарса, шу йўлда фидокорона меҳнат қилиб, нурли келажакка замин яратса, ўша мамлакат обод, ўша ҳалқнинг обрўйи, қадди-басти баланд бўлиши шубҳасиз. “Обод турмуш йили”да ҳар бир киши ана шундай юксак мақсадлар билан яшashi керак.

Обод турмуш – мустаҳкам оила омили

Мамлакатимизда оила баҳтли яшашнинг асосий негизи ҳисобланади. Оила ободлиги маҳалла ободлигига, маҳалланинг ободлиги пировардида Юртнинг обод бўлишига олиб келади. Шу маънода оиланинг мустаҳкам бўлиши учун турмуш обод бўлиши керак. Турмуш ободлиги маънавий ва моддий асосларга таянади. Бундан йигирма йил муқаддам Юртбошимиз бу масалани чукур англаб, унга жамоатчилик эътиборини тортганди. “Бозор иқтисодиёти деб, – таъкидлайди Президентимиз, – инсон маънавиятини унтиши гуноҳ бўлади. Нукул пул ва фойда кетидан кувсак-да, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса – бундай

жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ”.¹ Бу ўткир ҳақиқатни ўша вақтда кўпчилик етарли даражада идрок қилиб ололмаганди. Ваҳоланки, Юртбошимиз бу билан шундай фикрларни ифодалаган эди: *биринчидан*, иктиносий ва маънавий омиллар ўзаро уйғун бўлади; *иккинчидан*, иктиносий ёки маънавий омилнинг бирортаси оқсаса, албатта инсон ва жамият таназзулга юз тутади; *учинчидан*, айниқса бозор иктиносидиёти шароитида бу уйғулилк долзарб аҳамият касб этади.

Бинобарин, турмушнинг маънавий жиҳатдан обод бўлиши оиласидаги қадриятларнинг сақланиб бориши, ёш авлодни баркамол қилиб вояга етказиш ва оила аъзоларининг ахлоқий ахил бўлиши билан амалга ошади. Турмушнинг моддий жиҳатдан обод бўлиши эса меҳнатсеварлик, топганида барака бўлиши, ҳалоллик ва соғлом ҳаракатга боғлиқдир. Бу икки омил оиласи мустаҳкамлайди. Шу сабали 2013 йилда куйидагиларни амалга ошириш назарда тутилади:

- оиласарни ижтимоий қуллаб-қувватлаш;
- ёш оиласарга мадад бўлишни давом эттириш;
- оиласар мустаҳкамлигини таъминлашни устивор вазифа сифатида белгилаш;
- фуқаролар ҳамда миллатлараро ахиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачигидек асраш;
- ҳар қайси уйда ва ҳар қайси маҳаллада осойишталиктни саклаш.

Буларнинг барчаси турмуш ободлигини юзага келтириш ва унинг воситасида оиласининг мустаҳкамлигини саклашга асос бўлади.

Давлат сиёсатида оиласар мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган эътибор инсон омилига бўлган эътиборнинг амалий ифодасидир. Инсон манфаатларини биринчи ўринга қўядиган ана шундай изчил сиёсат туфайли юртимизда тинчлик ва барқарорлик таъминланиб, кўпмиллатли мамлакатимизда ўзаро хурмат ва ҳамжиҳатлик тобора кенг қарор топиб бормоқда.

Обод турмуш – фаровон хаёт гарови

Фаровон хаёт кечириш инсоннинг ўзига боғлиқ ҳодисадир. “олма пиш – оғзимга туш” қабилида ўтириш билан фаровон хаётга эришиб бўлмайди. Шу сабабли Юртбошимиз таъкидла-

¹ Ислом Каримов Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. – Т.: “Ўзбекистон”. 1992. 23 – бет.

ганидек, “азал-азалдан халқимизнинг онгу тафаккурида авваламбор фаровонлик, тўкинчилик, мўл-кўлчилик, қут-барака, бозорларда арzonчилик” обод турмуш тушунчасида мужассам бўлиб келмоқда. Бугун ҳам ҳар биримиз бу қадриятларга содик бўлишимиз керак. ”Шунинг учун ҳам, – дея даъват қилади Президентимиз, – бугунги кунда халқ фаровонлиги тушунчаси Ватан равнақи ва юрт тинчлиги деган, биз учун энг азиз ва муқаддас бўлган қадриятлар билан биргаликда миллий гоямизнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда”.

Мамлакатимизда Озод ва Обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт куриш вазифаларини амалга оширишда асосий эътибор ва унинг мазмун моҳиятида “Ислоҳотлар - ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун унинг манфаатлари учун” деган тамойил ўз ифодасини топмоқда. Шундай экан Юртнинг келажагига даҳлдорман деган ҳар бир фуқаро унинг ободлиги учун сидқидилдан меҳнат килмоги лозим. Зоро фаровон ҳаёт кечириш тўкинчиликни ким юзага келтиради – ўзимиз; мўл-кўлчиликни ким олиб келади – ўзимиз; қут – баракани ким юзага келтиради – ўзимиз ва бозорлардаги арzonчиликни ҳам ўзимиз таркиб топтирамиз. Демак, ҳар бир қалби уйгоқ ва онгода миллий ғуур шаклланган ҳар бир киши шундай интилишлар билан яшаши ҳамда меҳнат қилиши керак. Ана шундай яшаш учун мамлакатимизда ҳамма имкониятлар мавжуд. Халқ фаровонлиги масаласи давлат сиёсатида устувор масалалардан бири бўлиб турибди. Бунинг учун давлат ва жамият олдига қуидаги ўта муҳим вазифалар қўйилди.

- аҳоли даромадларини ошириб бориш;
- бандлик масаласини ечиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш;
- давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш.

Буларнинг барчаси фаровон ҳаёт кечиришимиз учун гаров бўлиб хизмат қилади. Асосий масала – ҳар биримизнинг бу ишга ўз хиссамизни кўшишимиздир.

Обод турмуш қадриятининг кўлами

Обод турмуш қадрияти оиланинг мустаҳкамлиги ва ҳаётнинг фаровон бўлишини юзага келтириши билан катта аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан мазкур қадриятнинг кулами кенглигини идрок қилиб олишга зарурат бор. Бу қўламда айниқса, тўрт масала

муҳимдир: 1) инсон саломатлигини мустаҳкамлаб бориш; 2) халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш; 3) хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада ошириш; 4) ёшларга бўлган эътиборни кучайтириш. Булар доимий дикқат марказимизда туриши керак бўлган масалалардир, уларсиз обод турмуш қадрияти тукис бўлмайди. Аслида саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳаёт сифатини ошириш ва миллат малакаларини авайлаш инсоннинг ўзига боғлиқдир.

Умуман олганда ислоҳотлар марказида инсонни олий қадрият сифатида баҳоланиши мамлакатимиз стратегик вазифалариға ҳамоҳангдир. Хусусан, бу борадаги барча ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти ҳам инсон ва унинг қадр-қиммати эканлиги билан ҳамоҳангдир. Холбуки, ушбу қадриятлар асосида шаклланган жамият моҳиятига кўра, халқаро талабларга, умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги тамойилларига мос келади, уларни миллий даражада намоён бўлиши учун имкон яратади. Шу билан бирга, у мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элат, ҳар бир шахс ва умуман турли қатлам вакилларининг умумий мақсад-муддаоларини ифодалайди. бу эса давлатимиз сиёсатининг жаҳондаги демократик жараёнлар, тинчлик ва барқарорлик, инсон хуқуқлари ва виждан эркинлиги каби умумбашарий қадриятлар мазмунига мослигини кўрсатади. Ҳар бир шахс, инсон, маҳалла ва ташкилотларда турмуш ободлиги учун уни амалий тарзда юксак қадрият сифатида асраб авайлаш билан бир қаторда уни сақлаш учун ҳам курашиши лозим. Лоқайд, совуқкон ва бефарқ инсонгина обод турмушни қадрият сифатида тушунмайди.

Буюк аждодларимиз озод ва обод Ватан барпо этишни орзу қилганлар. Ушбу шарқона орзу-истаклар бугун биз барпо этаётган обод турмушнинг асоси эканини унутиб бўлмайди. Биз бугун аждодларимизнинг ҳар ишда ташаббускорлик билан иштирок этиш; ўзгаларга намуна бўлиш; ҳалол меҳнат қилиш каби ибрат намуналарига суянган ҳолди обод турмушни барпо этмоғимиз лозим.

Шундай қилиб обод турмуш – инсон фаровонлиги учун улкан имкониятлар берувчи ўлмас омил эканини англаш билан-гина ўз олдимизга қўйган мақсад-муддаоларимизга эришишимиз муқаррардир.

РЕСПУБЛИКА МАҢНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ
МИЛЛИЙ ФОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

М.Қуранов, Ғ.Мирзаев, Ш.Тұраев, О.Бозоров,
О.Мусурмонқұлов, Ү.Саттаров, Ш.Абдуллаева

ОБОДЛИК КҮНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

«Сано-стандарт» – Тошкент, 2013

Нашр учун масъул: И.ЗОҲИДОВА

Мұхаррір: А.ТИЛАВОВ

Төхник мұхаррір: М.ЗОҲИДОВ

Бадий мұхаррір: М.ҚОСИМОВА

Наш.лиц. № АI 177, 03.01.2011.

Теришга 20.11.2012 йилда берилди. Босишига 19.03.2013 йилда рухсат этилди.

Бичими: 60x84 $^{1/16}$. Офсет босма. Таймс гарнитура. Шартли б.т. 5,11.

Нашр б.т. 4,85. Адади 5000 нұсха. Буюртма №378.

Баҳоси шартнома асосида

«Сано-стандарт» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Сано-стандарт» МЧЖ босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳри, Широк кӯчаси, 100-үй.

Телефон: (371) 228-07-94, факс: (371) 228-07-95

ISBN 978-9943-4106-7-1

9 789943 410671

*«Сано-стандарт»
нашиёти*